БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 207 (3708)
11 ДУШАНБА СЕНТЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

САККИЗ ИХТИСОС БЎЙИЧА

Тошкентдаги 31-ҳунар-техника билим юрти икки янги касбдаги ишчилар — машинист ёрдамчилари ва электровоз ремонт қиладиган слесарлар тайёрлаб чиқара бошлади. Бу ерда йигитлардан қарийб бир ярим минг киши саккиз ихтисос бўйича таълим олади. Ҳунар-техника билим юрти ишчи касблари билан бир вақтда ёшларга ўрта маълумот ҳам беради.

(ЎзТАГ).

Сибирь ва Узоқ Шарқ буюртмалари — муддатидан илгари

Тайгани ўзлаштириш учун

СССРнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларидаги ботқоқликларни, тайгани ўзлаштиришда «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводи коллективи ишлаб чиқараётган қудратли тракторлар жуда қўл келмоқда. Мижозларнинг шошилинч ва навбатдан ташқари буюртмаларига кўра Кемерово, Тюмень, Чита каби ўлкаларга эҳтиёт қисмлар, прицеплар, тракторлар пешма-пеш жўнатилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида Калачинск шаҳрига 12 минг сўмликдан зиёд эҳтиёт қисмлар юборилди. Умуман олганда, тракторсозлар йил бошидан буён сибирликларга 300 минг сўмликдан ортиқ турли хил деталь ва узоллар тайёрлаб беришди.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

БУГУН

Ҳиммат

2-автотранспорт корхонаси коллективи Жиззах областининг Мирзачўл районидаги «Партия XXIV съезди» совхозига 600 сўмлик эҳтиёт қисмлар юборди. Корхона оталиқдаги хўжаликка икки йилдан бери ёрдам кўрсатмоқда. Ўтган икки йил мобайнида қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатилган ёрдам 6 минг 500 сўмликдан ошди.

Шу кунларда корхонанинг икки автослесари ва бир электрослесари совхозда ишлаяпти. Шунингдек, битта кўчма устахона совхоз механизаторларига хизмат кўрсатмоқда. Автотранспорт корхонаси вакиллари қўриқ ер пахтакорларига пахта терими мавсуми охиригача ёрдам кўрсатадилар.

Зарбдор меҳнатимиз, ижодий изланишимиз беш йилликка

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Муддатидан 20 кун илгари

ТЎҚИМАЧИЛИК - ГАЛАНТЕРЕЯ ФАБРИКАСИ КОЛЛЕКТИВИ

БУГУН

АСОСИЙ БУЮМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИ ТУҚҚИЗ ОЙЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРАФ БИЛАН АДО ЭТДИ.

Ўттиз хилдан ортиқ енгил истеъмол буюмлари ишлаб чиқараётган фабрика меҳнат аҳли шу давр мобайнида 2,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Маҳсулотнинг асосий қисми меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига таъёрландн.

Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан тўқимачи-галантереячилар ой охирига қадар топшириққа қўшимча 270 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга бел боғладилар. Бу социалистик мажбуриятдан бир неча ўн минг сўмлик нўп.

Коллектив ютуғига беш йиллик топшириғини ўринлатиб қўйган Т. Маннопов, Э. Вайнбаум, Л. Попова, М. Ҳайитова, Т. Цибольская, В. Мишутин каби илғорлар салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ҳозир улар 1981 йилнинг турли ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан давом эттиришяпти.


М. ТУЛАГАНОВ.

ЮКСАК СУРЪАТ БИЛАН

«Уч йиллик планни — СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунга қадар бажарамиз».— «Ўзбекистон-нодеталь» заводи меҳнаткашлари деярли бир йилдан буён ана шундай шиор остида меҳнат қилишмоқда. Коллективлар ва цехлар ўртасидаги социалистик мусобақа катта ютуқларга олиб келди.

Жумладан, мастер Раиса Лелюхина етакчилик қилаётган участка ишчилари уч йиллик топшириқни апрель ойидаёқ бажариб қўйишди. Яқинда эса Тоҳир Обидов етакчилик қилаётган киномонтаж ва аппаратларни ремонт қилиш участкалари ҳам ана шундай маррани эгаллаганликлари ҳақида рапорт топширишди.

Ўзаро меҳнат беллашувида В. Ситников, В. Муратов, С. Фурявяткин, В. Хворов сингари пешқадам ишчилар голиблик қилишяпти.



«Узсельхозтехника»га қарашли тажриба-механика заводининг илғор ремонтчи-слесари Иван Зиков ўнинчи беш йиллик топшириғини аллақачон ўринлатиб қўйган эди. Смена топшириқларини 1,5—2 баравар адо этаётган бу ишчи ҳозирда 11-беш йилликнинг биринчи йили ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Инсон ҳақида ғамхўрлик

Уй-жой масаласи, совет кишиларининг саломатлиги масаласи партия ва ҳукуматимизнинг доимо диққат марказида бўлиб келяпти. Шунинг учун ҳам Ҳамза район ижроия комитети ўзининг навбатдаги йиғилишида бу масалаларни кун тартибига биринчи қилиб қўйди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг «Уй-жой тақсимотини ҳамда квартирага муҳтож гражданларни ҳисобга олишни тартибга келтириш тўғрисида»ги қарори район квартира бўлимн томонидан қандай бажарилаётганлиги ҳақида шу бўлим бошлиғи А. Самойлова доклад қилди ва уй-жой-маиший хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси раиси Р. Абалян ҳисобот берди.

Кенгашда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг «Болалар соғлиғини сақлашнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори район медицина ташкилотлари томонидан қандай бажарилаётганлиги тўғрисида район соғлиқни сақлаш бўлими мудири К. Муталов сўзга чиқди ва соғлиқни сақлаш бўйича доимий комиссия раиси И. Эргашев ахборот берди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

Ҳашарчилар ёрдамида

Киров районида учта йирик автобаза бор. Бундан ташқари райондаги корхона ва ташкилотларда 200 дан ортиқ юк ташийдиган машиналар мавжуд. Ана шу корхона ва ташкилотларнинг ишчилари шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида актив қатнашиб 60 соатдан ишлаб беришга аҳд қилишди.

Бу ойликда райондаги «А-3» микрорайонида бир гектарли янги хиёбон барпо қилинади. Бундан ташқари Салор канали атрофига кўчатлар ўтқазилади. Максим Горький номли театрнинг Анҳор канали бўйи ёқасида қурилаётган янги бинои атрофида ҳам ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Ҳозир бу ерга машиналар ёрдамида тупроқ келтирилмоқда. Ҳадемай район ободончилари ана шу ерга пуркагич фонтанчалар ўрнатиб, чим ётқизишади.

Ўтган шанба ва якшанба кунлари райондаги бир қанча кўчалар, майдонлар, турар жой массивлари ҳашарчилар билан гавжум бўлди. Улар ўзларига биркитилган участкаларда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришди.

Ташаббусга қўшилиб

Куйбишев ва Октябрь районлари қорхона, ташкилотлари коллективларининг шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кўчалар, майдонлар, турар жой массивлари, корхона ва ташкилотларнинг территориялари санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан икки ойлик ўтказиш ташаббуси Собир Раҳимов районн механизаторлари томонидан қизғин кутиб олинди.

Бу сафарги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида 69 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ, 300 минг тўп ранг-баранг гуллар ўтқазилади. Бундан ташқари 3,2 минг квадрат метр йўл ва йўлқалар ремонтдан чиқарилиб, 7 километрли ирригация шохобчалари ремонт қилинади.

Ободончилар ҳозир райондаги асосий кўча ва проспектларни чиқиндилардан тозалашга киришишди. Бунда уларга Студентлар шаҳарчасидаги олий ўқув юртининг студентлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Студентлар ўз шаҳарчаларида ўтган йили барпо қилишган хиёбонларни ҳам тартибга келтириб, кўчатларга сув қуйишмоқда. Райондаги корхона ва ташкилотнинг ишчи ва хизматчилари эса шанба ва якшанбаликларда актив қатнашиб, 60 соатдан ишлаб беришга аҳд қилишди.

Канал қиёфаси ўзгармоқда

Ирригация трестининг 2-ремонт қурилиш бошқармаси коллективи Ракат каналини реконструкция қилишга киришди. Асосан Фрунзе район аҳолисини сув билан таъминлайдиган бу канал атрофига бетон ётқизиш ишлари бошлаб юборилди. Т. Саидназаров бошчилик қилаётган бригада азаматлари бу ерда 200 минг сўмлик иш бажаришади. Ракат каналининг қайта реконструкцияси учун 650 минг сўм ажратилди.

Ирригаторлар Б. Хмельницкий, Гончаров, Муқимий ва Волгоград каби йирик кўчалардаги 3 километрдан ортиқ участкага темир-бетон ирригация шохобчалари ўрнатишади. Бу иш бажарилаётган вақтда транспорт қатнови учун ҳеч қандай халақит бермайди.

Келаси йилдан бошлаб Ракат каналининг Лопатин кўчаси ва «Самарқанд» автостанциясигача бўлган масофасида зилол сувлар оқади.

◆ БИР КОРХОНА ХУШХАБАРЛАРИ

Аҳоли эҳтиёжига яраша

Шаҳар аҳолисининг нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи кичик ҳажмдаги нон-булкалар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бераяпти. Бундай нон-булкаларни харидорлар севиб олмоқдалар. Чунки, уларнинг сифати анча яхшиланган. Шу туфайли коллектив план-топшириқларни муддатидан илгари бажараяпти.

Бирлашма коллективининг ўнинчи беш йиллик бошидан буён планга қўшимча реализация қилган маҳсулотлари

БУГУН

икки миллион сўмликка етди. Бу қабул қилинган социалистик мажбуриятдагидан қарийб ярим миллион сўмлик кўп. Бундай юксак натижаларга эришишда корхона меҳнаткашларидан сайланган халқ депутатлари— Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Л. Филимонова, шаҳар Совети депутатлари А. Отажонова, М. Эминова, С. Омонова ва бошқалар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Амалий ёрдам

Пойтахтнинг Октябрь райони механизаторлари Дўстлик районн пахтакорларига яқиндан оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Бирдўстлик шаҳрида бир кеча-кундузда 10 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган нон заводи қуриб бермоқда. Бунда бирлашма мутахассислари билим ва ғайратларини аямаяпти. Шунингдек, райондаги Ленин номли 11-пахтачилик совхози қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиб беришда фаол қатнашди.

СССР Олий Советн Президиумининг Фармони

ЕЗУВЧИ РАҲМАТ ФАЙЗИЙ (ФАЙЗИЕВ Р.)НИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ёзувчи Раҳмат Файзий (Файзиев Раҳмат) Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1978 йил 8 сентябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ФАЙЗИЕВ РАҲМАТ (РАҲМАТ ФАЙЗИЙ)ГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ёзувчи **ФАЙЗИЕВ Раҳмат** (Раҳмат Файзий)га «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Х. ПЎЛАТОВА.

1978 йил 31 август, Тошкент шаҳри.

ПРАВДА саҳифаларида

● «Республикаларнинг академиялари» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақола иттифоқдош республикаларнинг Фанлар академиялари олдида турган масъулиятли вазифаларга бағишланган.

● «Салют-6»—«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганликлари ҳамда парвоз вақтида жасорат ва мардлик кўрсатганликлари учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт учувчиси Валерий Фёдорович Быковскийни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида, ГДР граждани тадқиқотчи космонавт Зигмунд Иенга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари эълон қилинган.

● Вакиллар палатаси бюджет комиссиясининг раиси Н. Сирахама бошчилигидаги Япония парламентининг делегацияси мамлакат бўйлаб сафардан сўнг 10 сентябрда Москвага қайтиб келди. Шу куни делегация аъзолари В. И. Ленин мавзолейига гулчамбар қўйдилар.

● Греция ташқи ишлар министри Г. Раллис 9 сентябрда Ленинграднинг диққатга сазовор жойлари билан танишишни давом эттирди. Бунда бирлашма меҳнаткашларига ўз ҳурматини билдирди.

Халқаро мавзуда суҳбат

ОЗОДЛИК КУНИ КЕЛАДИ

Чили генераллари Халқ бирлиги қонуний ҳукуматига қарши исён кўтарган ўша сентябрь кунларидан буён орадан беш йил ўтди. Фашист исёнчилари Ла Монеда президент саройини қуршаб олиб, унер-ва ҳаводан вақшиёна ўққа тутдилар, саройни мудофаа қилиб турган республика президенти Сальвадор Альенде бошчилигидаги бир группа довюракларни қириб ташлашга интилдилар. Президент халқ манфаатлари учун сўнгги нафасимгача жанг қиламан, деган ваъдасини бажарди. У ўзининг шахсий намунаси билан чилиликларни зўравонларга қарши руҳлантириб, кўзида қурол билан ҳалок бўлди...

Чили қонли диктатурасининг мудҳиш зулмати ичида қолди. Мамлакатда беш йилдан буён қамал ҳолати амал қилмоқда, фавқулодда ҳарбий трибунал вақшиёна ҳукмлар чиқармоқда, сиёсий партияларнинг фаолияти таъқиқлаб қўйилган. Пиночет режимига оппозицияда бўлишда шубҳаланаётган кишиларнинг ҳаммаси таъқиб этилмоқда. Мана бу фактлар ҳунта мудҳиш жиноятлар қилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди: чилилик ҳар қирқ кишининг бири турма ёки қамоқ лагерларида бўлди; катта ёшдаги ҳар 130 граждандан бири отилди, осилди ёки қийнаб ўлдирилди; чиликлардан бир миллион киши Ватанни тарк этишга мажбур бўлди.

Фашист тўдаси Чили халқи Халқ бирлиги ҳукумати даврида эришган ғалабаларни тугатишга интилмоқда. Бу тўда Чилининг миллий бойликларини улгуржи ва чакана савдога чиқариб талон-тарож қилмоқда, мамлакатни чет эл, асосан Шимолий Америка монополияларига сотмоқда Мана бир мисол. Альенде ҳукумати национализация қилган «Чукикамата» мис руда комплекси Американинг «Экссон» компаниясига сотилди. Чилида олиниган бутун миснинг деярли ярмини ана шу мис-руда комплекси беради. Ҳунта деярли барча давлат корхоналарини сотиб юбориш ниятида эканлигини айтди.

Пиночет режими мамлакат экономикасини ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми камайиб кетмоқда, инфляция мислсиз даражага етди, меҳнатга қобилиятли аҳолининг сал кам 30 проценти ишдан маҳрум бўлди. Ҳатто расмий статистика ҳам аҳолининг 78 проценти ҳаддан ташқари қашшоқ яшаётганлигини тан олмоқда. Очарчилик авж олди. Болалар ўлими дунёда энг юқори даражага етди.

Ҳунтага қаршилик кун сайин кучайиб боряпти. Чили қонли диктатурасининг мудҳиш зулмати ичида қолди. Мамлакатда беш йилдан буён қамал ҳолати амал қилмоқда, фавқулодда ҳарбий трибунал вақшиёна ҳукмлар чиқармоқда, сиёсий партияларнинг фаолияти таъқиқлаб қўйилган. Пиночет режимига оппозицияда бўлишда шубҳаланаётган кишиларнинг ҳаммаси таъқиб этилмоқда. Мана бу фактлар ҳунта мудҳиш жиноятлар қилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди: чилилик ҳар қирқ кишининг бири турма ёки қамоқ лагерларида бўлди; катта ёшдаги ҳар 130 граждандан бири отилди, осилди ёки қийнаб ўлдирилди; чиликлардан бир миллион киши Ватанни тарк этишга мажбур бўлди. Намойишчиларга қарши ташланган карабинерлар юзга яқин кишини қамоққа олдилар.


Фашист режимининг ички сиёсий кризиси бу режим халқаро майдонда тобора яккаланиб қолаётганлиги туфайли баттар авж олмоқда. Бу режим аллақачоноқ жаҳон жамоатчилиги нафратига учради. Оз сонли иттифоқчиларигина унга жонжаҳдлари билан ҳарбий ва иқтисодий мадад беришга уринмоқдалар. Чилида иш кўраётган Шимолий Америка монополиялари, шунингдек тараққийпарвар кучларга қарши курашда жуда қимматли иттифоқчи бўлиб келяпти. Пиночетдан жудо бўлиб қолишдан қўрқаётган Исроил ва Хитой ҳукмдорлари шулар жумласидандир. Тель-Авив ва Пекиннинг Пиночет тўдаси билан муносабатлари тобора қалин ва «самимий» бўлиб қолмоқда.

Шундай бўлса ҳам, миллион-миллион кредит ва қарзлар, танк ва самолётлар етказиб беришларига қарамай, зўравон генераллар ҳеч ҳам оёғи остидаги заминни тобора емирилмоқда. Пиночет мамлакатда қучайиб кетган жанжал фашист режими чуқур тангликка учраганидан дарак беради. Ҳали яқингача ҳунта бошлиғи Пиночет генерал Лини ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги павозимидан олиб ташлашга мажбур бўлди. Генерал Ли Пиночетнинг диктаторлик маш-машаларига қарши чиқишга журъат этган эди.

Гарчи Пиночет ҳали ҳокимият тепасида турган бўлсада, унинг қонли режими емирилиб бормоқда. Ҳокимиятни вақтинча қўлга олган кишиларни ҳеч нарса— Вашингтоннинг доллар билан бераётган ёрдами ҳам, ўзининг фашист моҳиятини «демократик» ниқоб билан яширишга уринаётган ҳунтанинг ғайратлари ҳам қутқариб қололмайди.

Мана шу сентябрь кунларида ер юзидаги холис ниятли барча кишилар Чили халқи билан бирдам эканликларини айтмоқдалар, улар Сальвадор Альенденинг ўлим олдидан айтган қуйидаги сўзларига аминдирлар: «Мен Чилига ва мамлакатимизнинг тақдирига ишонаман. Сотқинлар ҳокимиятга интилаётган ҳозирги мудҳиш ва аламли дамларни чиликлар бундан кейин бошдан кечирмайди. Шуни билингизки, яна кенг йўл очилиб, муносиб кишилар яқин келажакни қуриш учун шу йўлдан боради ва албатта келади».

В. СЕРОВ. (ТАСС).





Тошкент метросининг янги линияларини қуриш жадал суръат билан олиб борилаяпти. Лаҳимчилар, монтажчилар, геодезиячилар ва бошқа касб эгалари қурилишни муддатидан олдин тугаллаш, ҳамшаҳарларимизнинг узоғини яқин қилишга ҳисса қўшиш мақсадида фидокорона меҳнат қилишяпти.

СУРАТЛАРДА: (чапда) «Салор» ариғи устига қуриладиган эстакадада; ўнгда — Пушкин станцияси участкасида меҳнат қилаётган маркшрейдер Наталья Явнова.

И. Глауберзон ва В. Сиротнин фотолари.

XVI ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ VII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

XVI чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VII сессияси 1978 йил 21 сентябрда чақирилсин.

Шаҳар Советида кўриб чиқиш учун қуйидаги масалалар келтирилсин:

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг жамоат тартибини сақлаш ҳамда қонда бузишликнинг олдини олишни янада яхшилаш юзасидан олиб борган ишлари тўғрисида ҳисобот.

Шаҳар Совети маданият ва санъат бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботи.

Шаҳар Советининг 1978 йил 23 мартда «Шаҳар пассажир транспортининг аҳолига хизмат кўрсатишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тўғрисида» қабул қилган қарорининг бажарилиши тўғрисида ахборот.

Ижроия комитет раисининг ўринбосари Г. М. САРКИСОВ.

Секретарь М. М. МАРТЬЯНОВА.

телетайп лентасидан

◆ СОФИЯ. БКП XI съезди ва БКП Марказий Комитети 1977 йил декабрь пленуми қарорларига мувофиқ Болгария Коммунистик партиясида партия ҳужжатлари алмаштирила бошланди. Ҳозир Болгария Коммунистик партиясининг 820 мингга яқин аъзоси бор.

БКП Марказий Комитетида 1-сон партия билети БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат кенгашининг Раиси Т. Живковга топширилди.

◆ ЖЕНЕВА. Бу ерда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида СССР билан АҚШ делегацияларининг музокаралари қисқа муддатли танаффусдан кейин делегацияларнинг вакиллари учрашуви билан яна бошланди.

◆ АФИНА. Греция газеталари хабар қилади: Греция миллий мудофаа министрлигининг компетентли доирлари Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Греция ҳарбий кемалари гўё НАТОнинг Шимолий денгиздаги маневрларида қатнашмоқда, деган хабарини ҳақиқатга тўғри келмайдиган хабар, деб рад этди.

Бироқ худди шу доиралар Греция НАТОнинг Ўрта денгизда ўтказиладиган «Дисплей детерминейшн» деган маневрларида иштирок этишга розилик берганлигини тасдиқлади.

◆ РИМ. Италия аҳолиси июнь ойида 56 миллион 695 минг кишига етган. Бу маълумотларни марказий статистика институти эълон қилди. Мамлакат аҳолиси ўтган йилнинг июнь ойига нисбатан 249 минг кишига кўпайди.

◆ ЛУСАКА. Жанубий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) Жанубий Африка Республикаси ирқчи режимининг окупация кўшинлари Намибиядан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилди.

СВАПОнинг бу ерда тарқатилган баёнотида айтиладики, кейинги вақтларда Претория маъмурлари улар қонунига хилоф равишда босиб олган Намибия территориясида жуда кўп ҳарбий базаларни вужудга келтирдилар. Бу ҳарбий базалардан халқ Анголасига қарши қуроллн игвогарликларнн уюштириш учун фойдаланилмоқда.

(ТАСС).

• *Беш йиллик вахтасида*

ЗАРБДОР МАРОМ

Ўзбекистон Ленин комсомолининг 50 йиллиги номли Гулистон тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористи Дилбар Пардаева беш йилликнинг тўрт йили планини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. У ҳамиша графикдан ўзиб, ойлик топшириқларини 150—160 процент қилиб бажаради. Ўрта мактабни тамом қилганидан кейиноқ бундан, бор-йўғи беш йил муқаддам, фабрикага келган бўлса ҳам корхонада Дилбарни ҳақли равишда энг яхши ишчилардан бири деб ҳисоблашади. Дилбар Пардаевага тажрибали тикувчи С. Ҳакимова иш ўргатган.

Дилбар ишлаётган бутун бригада ҳам зарбдорларча меҳнат қилмоқда. Унинг дугоналари Ж. Зарифулина, З. Қосимова, С. Файзиева смена топшириқларини ҳамиша 30 процент ошириб бажармоқдалар. Илғор коллектив беш йилликнинг уч йиллик топшириғини СССР Конституциясига и н г бир йиллиги кунига қадар бажаришга аҳд қилди.

(ЎзТАГ).



Коммунистик меҳнат зарбдори Евгений Скрильников «Геологоразведка» заводи механика участкасининг илғорларидан бири. Моҳир деталчи смена-ойлик топшириқларини мунтазам равишда 180 — 200 процент адо этади. У бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: Е. Скрильников.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИ — БОШ МАСАЛА

Пардозлаш фабрикасининг гул босиш цехи Тошкент тўқимачилик комбинатининг энг муҳим ишлаб чиқариш участкаларидан биридир. Бу ерда газламаларга ранг-баранг гуллар босилади. Агар бу иш намунали бажарилса газламанинг ранг-баранг жилоси кўзни қувонтиради.

Бу ерда сифат тўғрисида гамхўрлик қилиш ҳамма вақт диққат-эътиборда турибди. Шу билан биргаликда гул босадиган машиналарнинг юқори унумдорлигини таъминлаш ҳам план ва мажбуриятларнинг бажарилишининг муҳим шартидир.

Бироқ, бу вазифани ҳал этиш мураккаблашаётганининг сабаби шундаки, цехга оқартирилган газлама бир маромда келиб тушмаяпти. Ҳатто у бир маромда келиб тушганида ҳам мушкулликлар оз бўлмаётир. Чунки цехда малакали ишчи кадрлар етишмайди. Айниқса раклист касбини қисқа муддатда эгаллаш жуда қийин. Гул босиш группасига бошчилик қилаётган бригадир, яъни раклист жуда мураккаб агрегатга хизмат кўрсатади. У юқори малакали ва нозик дид эгаси бўлиши керак. Рассом ижод қилган гулларнинг газламада тиниқ ва табиий чиқиши унга боғлиқдир.

Цехда ўз ишининг усталаридан Г. Хегай, И. Тумаев, К. Ражабов, Д. Гребнев сингари раклистлар бор. Аммо, бу ерда кўпчилик ёш ишчилардир. Уларда ҳали тажриба, маҳорат етишмайди.

Бироқ участка коммунистлари, ветеранлар шуни яхши тушунишадики, ҳаридорлар газлама олишаётганда бу сезилмаслиги керак. Улар тўқимачилардан замонавий талабларга жавоб берадиган аъло сифатли газламалар кутишади. Цехда сифат учун, корхона маркаси шарафи учун қизғин кураш боряпти. Ҳисобот-сайлов йиғилишида партия группаси ташкилотчиси Л. Линингнинг докладида бу қийинчиликлар четлаб ўтилмади.

Коммунистлар аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мусобақасига бошчилик қилиб, юқори иш унуми намуналарини кўрсатмоқдалар. Энг яхши раклистлар ҳақида илиқ сўзлар айтиш керак. Уларнинг ҳар бири топшириқни ошириб бажаришяпти. Деярли барча маҳсулотни аъло сифатга топширишяпти.

Партия группаси илғорлар ютуқлари барчанинг мулки бўлиб қолишига ҳаракат қиляпти.

Фабрикада энг жанговар партия группасининг фаолияти қониқарли баҳоланди. Коммунистлар камчиликларни ҳам рўй-рост айтишди. Масалан, нормаловчи М. Моягина раклистлар учун характерли бўлган юксак иш сифати ҳақида гапириб, умуман цехда белгиланган маррага эришилмаганини таъкидлаб ўтди. У ишончли мисоллар келтирди. Иккинчи сорт газлама 4 процентдан ошмаслиги керак эди. Ҳолбуки, у 5,53 процентни ташкил этди. Бошқа баъзи маҳсулотлар тайёрлашда ҳам ана шундай ҳоллар юз бермоқда. Агар бу камчиликларни фабрика миқёсида олиб кўрсак, кўплаб газламани ташкил этади.

— Партия группаси ҳар бир ишчининг меҳнат активлигини ошириш учун кўп иш қилмоқда,— дейди тажрибали раклист, ёшлар мураббийси Д. Гребнев.— Лекин камчиликлар ҳам оз эмас. Масалан, кўргазмали агитацияни олиб кўрайлик. У партия ташкилотининг қудратли воситасидир. Йил бошида «Чақмоқлар», плакатлар меҳнат ютуқлари ҳақида тез-тез ҳикоя қилиб турди. Бу эса бутун коллективнинг ташаббускорлигини оширди. Эндиликда эса «Чақмоқлар» онда-сонда кўринаяпти. Сўнгги вақтларда браккa йўл қўйётган меҳнат интизомини бузаётган кишилар тўғрисидаги карикатуралар жуда камайиб кетди. Сифат ва самарадорлик учун курашни бўшаштирмаслик керак.

Мастер В. Бурмистров барча чоралар билан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Цех прогулчилар касрига кўп нарсани йўқотяпти. Негадир прогулчиларга қарши фақат маъмурият шуғулланиши керак деган фикр бор. Лекин ҳаёт шуни кўрсатяптики, биргина маъмурий чоралар билан прогулларга барҳам бериш қийин. Цех партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг кундалик жонкуяр тарбиявий иши ниҳоятда зарурдир. Ҳар бир коммунист ёшлар мураббийси бўлмоғи керак.

Пленумда бу таклиф маъқулланди. Ҳар бир ёш ишчига тажрибали ишчилар, коммунистларни бириктириб қўйишга аҳд қилинди.

Пленум қарори коммунистларга ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш учун, беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этиш, аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун курашга цехнинг бутун коллективини сафарбар этиш вазифасини юклади.

И. МАРГОНИН.

„Тошкент оқшоми" ва „Вечерний Ташкент"

НАЗОРАТ ПОСТИ

3-ЙИРИК ПАНЕЛЛИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ РЕКОНСТРУКЦИЯСИДА

БАҲОНА КЎП, ЖОНЛАНИШ ЙЎҚ

3-йирик панелли уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш ишлари бир неча йилдан буён давом этмоқда. Шунга қарамасдан қурилиш ишларининг ниҳояси кўринмаяпти. Реконструкция қилинаётган 3-йирик панелли уйсозлик комбинати директорининг ўринбосари Л. Вискович, — Айрим объектларда иш бутунлай тўхтатиб қўйилган.

Бундай мушкул аҳволни қандай вужудга келганлигини 159-қурилиш трестининг бошлиқларидан (трест бошқарувчиси М. Абдуллаев) сўрамоқ керак. Бош пудратчи 3-йирик панелли уйсозлик комбинати объектларида меҳнат қилаётган ишчиларни бошқа қурилишларга ўтказиш ҳақида кўсатма берди. Шунисн таажжубликки, буюртмачининг эътирозлари бутунлай ҳисобга олинмади. 3-йирик панелли уйсозлик комбинати қурилиш майдонларида меҳнат қилаётган энг маҳоратли, энг тажрибали ишчи ва прорабларнинг бошқа участкаларга ўтказиб юборилди. Бош пудратчи ва унинг бўлинмалари ишчи кучлари ва материалларни жуда кўп объектларни бўлиб юбормоқдалар. Бирон бир объект ўз вақтида сифатли қуриб фойдаланишга топширилаётгани йўқ. Нуқсон билан бунёд этилган объектларни буюртмачи қабул қилмаслиги табиий ҳолдир. Бу ерда технологик ускуналарни ўрнатиш учун мўлжалланган объект ҳам бор. Аммо қурувчиларнинг суст меҳнат қилишлари туфайли бу объектни бунёд этиш иши ҳам орқага сурилмоқда.

Энди фактларга мурожаат қилайлик. Шу йил декабрь ойининг ўрталарида ички деворларни ишлаб чиқарувчи биринчи корпусда иккита технология линияни созлаш ишлари бошланиши, иккинчи корпусда эса учинчи технологик линия ишга туширилиши керак. Бу ерда лозим бўлган ускуналар бор. Шундай экан, яна нима етишмаяпти? Уларни ўрнатиш учун жой ҳозирланмаган, фундамент қуйилмаган. Шу боисдан ҳам технологик линияларни созлаш ишларини бошлаш мумкин бўлмаяпти.

— Агар қурувчилар суръатни оширмасалар,— дейди капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи М. Духовний,— бу линиялар 1979 йилнинг январь ойида ҳам тайёр бўлмаслиги мумкин.

Объектни айланиб юриб қуйидагиларни кўрдик. Смета қиймати 240 минг сўм бўлган маъмурий-маиший бино корпуси тайёр. Бу ерда сув қувурлари ва иссиқлик билан таъминловчи ускуналарни монтаж қилиш ишларини аллақачон бошлаш мумкин эди. Шунга қарамасдан бир неча ойдан буён объект ташлаб қўйилган. Бетон қориш узели шу йилнинг тўртинчи кварталида ишга тушиши керак. Бу объект ҳам ҳозирча эсдан чиқариб қўйилган. Қурувчилар жуда кўп нуқсонларга йўл қўйишган. Улар ўз хатоларини тузатиш, объектлардаги камчиликларни бартараф этишни хаёлларига ҳам келтираётганлари йўқ.

Ёки смета қиймати 130 минг сўм бўлган цемент омборини олиб кўрайлик. Бу омборни қуришда катта камчиликка йўл қўйилган эди. Ҳозир 3-йирик панелли уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш ишлари давом этаётган бир пайтда 159-трестнинг бўлимлари ўзлари йўл қўйган камчиликларни бартараф қилишдан қатъий бош тортмоқдалар.

— Ким камчиликка йўл қўйган бўлса, уни ўзи тузатсин,— дейишмоқда 9 ва 10-қурилиш бошқармаларининг раҳбарлари. Бундай кўнгилсиз ҳодисанинг юз берганига саккиз-тўққиз ойил бўлди. Шу боисдан ҳам заводдагилар цемент омборини ким қурганлигини эсдан чиқаришиб қўйган. Ҳозир у корхона учун жуда зарур. Омборхона бўлмаса ишни бошлаш қийин. Аммо бош пудратчи ва унинг қурилиш бошқармалари бу ҳақда билдирилган эътирозларни эшитишни ҳам хоҳлашмаяпти. Ёнилги-мойлаш материаллари омборхонаси ҳам деярли тайёр. Аммо унда ҳам жуда кўп нуқсонлар бор. Шунинг учун уни буюртмачи қабул қилмаяпти. Кун тартибида турган муаммоларни ҳар бир қурилиш ташкилоти, ҳар бир ёрдамчи пудратчи ташкилот жонкуярлик билан меҳнат қилгандагина ҳал қилиш мумкин. Аслида бу ерда нималар бўляпти? Муддат ўтиб боряпти. Шунга қарамасдан камераларда регистрларни монтаж қилиш ишлари тугалланган йўқ. Бу ишни энергомонтаж бошқармаси (бошлиғи Б. Ратнер) бажариши керак.

— Бизда трубалар етишмаяпти,— дея жавоб берди Б. Ратнер.— Трубалар келиши билан ишни бошлаб юборамиз.

Трубаларни топиш учун жон куйдириш ахир гуноҳ эмас-ку. Трубалар учун наряд ёзиб қўйилган. Уни келтириш учун тадбир белгилаш керак.

Тошкент монтаж бошқармасининг (бошлиғи Л. Писаревский) электриклари сусткашлик кўрсатишяпти. Уч ой мобайнида улар объектда умуман кўринишмади. Уларнинг фикрига қарағанда бу ерда иш фронти йўқ эмиш. Ҳозир эса барча ускуна ва материаллар келтириб қўйилган. Қолоқликка барҳам бериш учун бу ерга кам деганда 25 малакали ишчи жўнатилиши керак. Ҳозирги кунда эса бу объектда беш киши ишлаяпти холос. Улар барча ишларни белгиланган муддатда тугаллашга қодир эмаслар. Чунки бажариладиган иш ҳажми ниҳоятда кўп.

«Тошкент оқшоми» газетасида «Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармасининг бошлиғи В. Гауфлер металл конструкцияларга етказиб бериш муддатларини бузаётганлиги учун бир неча марта танқид қилинган эди. Шунга қарамасдан, ҳозир ҳам аҳвол ўзгаргани йўқ. Бу нарса «Стальмонтаж» трести (бошқарувчи В. Левицкий) монтажчиларининг ишини орқага сурамоқда. Аммо бу монтажчилар учун бутунлай иш фронти йўқ деган маънони билдиромайди. Жумладан омборхонани бунёд этиш учун лозим бўлган ускуналар бор. Аммо трест бошқарувчиси В. Левицкийнинг айби билан монтаж ишлари олиб борилаётгани йўқ. Бу бошқарма умуман 3-йирик панелли уйсозлик комбинатига аҳамият бермаяпти деб айтиш мумкин. Буни у турли баҳоналар билан оқлашга ҳаракат қиляпти.

Шу йилнинг баҳорида комбинат раҳбарлари технологик ускуналар етишмаяпти деб эътироз билдиришган эди. Улар ўшанда реконструкция ишларининг боришини турли машина ва агрегатларнинг миқдорига боғлиқ деб ўйлашган эди. Республикадаги масъул ташкилотларнинг ёрдами туфайли зарур ускуналар келтириб қўйилди. Омборхона ускуналар билан тўлдириб юборилди. Қурувчилар биринчи корпусда тўққизта даравоза қуришлари керак. Ана шунда бу ерга зарур технологик ускуналарни келтириш имкони вужудга келади. Ана шунда монтажчилар ҳам ҳар бир агрегат учун омборхонага бориб юришмайди. Аммо қурувчилар бирон-бир иш қилишгани йўқ. Ускуналар эса омборхоналарда чанг босиб ётибди.

Шу ўринда «Металлосбит» базасига ҳам (директори Ш. Шорахимов) жиддий эътироз билдириш керак. Бу ташкилот реконструкция қилинаётган корхонани зарур буюмлар билан таъминлай олмаяпти. Август ойида бу ташкилот корхонага 325 тонна металл етказиб бериши керак эди. База ходимлари 5 сентябрдагина корхонага фақат беш тонна металл жўнатишди.

Шундай қилиб, бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар шаҳримиздаги энг йирик объектлардан бирини реконструкция қилиш ишларини судралишига «ҳисса» қўшишмоқда. Бугунги кунда турар жойдан муҳимроқ нарса бўлиши мумкинми? Вазифа жуда оддий: 3-йирик панелли уйсозлик комбинати объектларига ишчилар ва моддий ресурсларни жалб қилиш зарур. Ана шунда ускуналарни монтаж қилаётган ёрдамчи пудратчи ташкилотларга иш фронти очиб берилади. Ҳозир бу ерда баҳордагига нисбатан икки марта кўпроқ ишчи меҳнат қилиши керак. Барча объектлар белгиланган вақтда ишга туширилиши лозим. Корхона қувватини ошириш ҳақида гап кетаётганида ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ. Ҳар қандай сусткашлик, бекор туриб қолиш ҳоллари учун комбинат реконструкциясини олиб бораётган ташкилотларнинг раҳбарлари жавоб беришлари керак.

А. БРОНШТЕЙН.

• *Республика бўйлаб*

ИСТЕЪМОЛЧИ АДРЕСИ — МОЗАМБИК

«Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг Гаҳнатош филиали маҳсулот етказиб берадиган жойлар харитасида яна битта мамлакат пайдо бўлди. Электр ёритгич шчитларининг дастлабки туркуми Мозамбикка муддатидан илгари жўнатилди. Эндиликда жаҳондаги ўн иккита мамлакатга филиал маркаси қўйилган буюмлар экспорт қилинмоқда.

ПАРДОЗЛОВЧИЛАР ШАРАФИГА

Наманган 25-қурилиш трестига қарашли 14-механизациялашган кўчма колоннада Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени кавалери Анна Егоровна Камелий бригадаси шарафига шон-шуҳрат байроғи кўтарилди. Бу коллектив турар жойни мўлжалдагидан икки баравар тезроқ пардозлашга муваффақ бўлди. Бригада Наманган қурувчилари орасида биринчилар қаторида злобинчасига ишлай бошлади.

ИККИ ЧАНДОН ТЕЗРОҚ

Елизавета Филипповна Захарова навбатдаги сменага тушар экан, «Беш йиллик бажарилиши билан табриклаймиз» деган транспарантга ва унинг остига қўйилган яшнаб турган гулдастага кўзи тушди. Наманган шойи-газламалар комбинатининг тўқувчилари уни шахсий беш йиллигини бажарганлиги билан самимий табрикладилар. Қарийб ярим миллион метр аъло сифатли газлама ишлаб чиқарилди.

ИШЧИ СИНФИ ВОРИСЛАРИ

Асосий билим маскани

«Ташкенткабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси пешқадамлари қаторида Галина Сергеевнанинг номи ҳам кўзга ташланиб қолди. У нормани 110—115 процент қилиб бажармоқда. 19 ёшли қизнинг ишчи таржимаи ҳоли бошланганига эса бор-йўғи бир ойдан сал кўпроқ бўлди. Унга кўприк кранини ишониб топширишган эди. 57-ҳунар-техника билим юртида олган билимлари ва кўниқмалари унга шу қадар қисқа муддат ичида муваффақиятга эришишга ёрдам берди.

— Билим юртимизни бу йил битириб чиққан бошқа 28 киши ҳам завод коллективига яхши ўрганиб қолди,— дейди ишлаб чиқариш таълими мастери А. Крайнова.

Бу ўқув юртини ишчи касблари «университети» деб аташади. Билим юрти кабелчилардан ташқари машинасозларни, дурадгорларни, пайвандчиларни ҳам тайёрлаб беради. Бу ерда бўлғуси ишчилар ўн икки касбни эгаллашлари мумкин. Уларни «Ташкенткабель», «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг база корхоналари, Тошкент трактор заводи ўз бағрига олади. Жуда яхши жиҳозланган қирқта кабинет ва устахоналар болаларга ўрта маълумотли бўлиш ва ҳунар эгаллашга ёрдам беради.

— Биз ҳозир кенг профилдаги ишчилар тайёрлаш йўлидан бормоқдамиз,— дейди директор Х. Муллаев.— Буни янги ўқув программалари кўзда тутади. Биз бу йил ана шу янги программаларни жорий эта бошладик. Бутун таълим жараёни бамисоли иккн боскичга бўлингандек. Дастлаб танланган асосий ихтисос бўйича тайёргарлик кўрилади. кейин эса турдош касбларни ўзлаштиришга, малакани янада ошириш учун назарий билимларни ўрганишга киришилади.

Кўпгина йигит-қизлар учун ана шу билим юрти мустақил ҳаётга қадам қўйиш йўлидаги асосий билим маскани бўлиб қолди.

Ҳозир бу ерда тошкентликлардан мингдан ортиқ ёшлар, шунингдек Социалистик Вьетнамдан келган қарийб 150 йигит ва қиз ишчилик маҳоратини эгалламоқда.

С. ЗЕФИРОВА,
ЎзТАГ мухбири.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

◆ СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БРЭИЛА — ҚУРУВЧИЛАР ШАҲРИ

БУХАРЕСТ. Брэилага темир йўл орқали бораётган ҳар бир кишининг кўзига Дунай бўйидаги шу шаҳарга етмасдан анча олисданоқ янги уй-жой кварталларининг манзараси кўринади. Ҳозирги вақтда Брэиланинг қиёфасини кўп қаватли йирик панелли уйлар белгиламоқда. Бу ерда бундай уйлар 10—15 йил муқаддам қурила бошланган эди. Утган вақт мобайнида шаҳар меҳнаткашларидан 20 минг киши янги уйларга кўчиб кирди. Йилнинг биринчи ярмидагина сал кам 1800 оила янги уйлардаги квартираларнинг калитларини олиб, бахтиёр бўлдилар. Йил охиригача эса уларнинг ёнига яна 4 мингдан зиёд оила қўшилади.

ССРНИНГ КЎМАГИ БИЛАН

УЛАН-БАТОР. Монголиядаги Цэцэрлэг шаҳрининг аҳолиси муҳим воқеани нишонламоқда: Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан қурилган натта автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилди.

Монголияда ягона алоқа системасини вужудга келтириш ва кенгайтиришда Совет Иттифоқи ҳамда бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг холисона ёрдами жуда катта аҳамиятга эгадир, деди МХР алоқа министрининг биринчи ўринбосари Д. Гарам Очир. Шу беш йилликда ва шундан кейинги йилларда уларнинг бевосита иштироки билан бир қанча натта-натта объектларни қуриш кўзда тутилган. Ана шу объектлар туфайли автомат телефон станцияларнинг ҳажми 30 процентдан зиёд кўпаяди, телефон-телеграф зич каналларининг узунлиги қарийб икки баравар ортади, бир қанча янги радиостанциялар ишга туширилади, мамлакатнинг телевизион тармоғи анча кенгайтирилади.

СИЁСИЙ ПЛАКАТ ВИСТАВКАСИ

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнам пойтахтида нейинги йилларда энг катта сиёсий плакат виставкаси очилди. Виставкада республика 134 рассомининг сал кам 250 асари намойиш қилинмоқда. Оригинал бадиий услубда тайёрланган планатлар саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимларини янги меҳнат галабаларига даъват қилади. Экспозициянинг алоҳида бўлимида миллий мудофаани мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисидаги, бутун халқ революцион галабаларини ҳимоя қилишга азму қарор берганлиги ҳақидаги асарлар қўйилган. Планатларнинг кўпчилиги Вьетнам халқининг Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлиги ва бирдамлигига бағишланган.



Форстер режимининг Жанубий Африка Республикасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятни бир ҳовуч оқ танли ирқчилар — саноат корхоналарининг эгалари ва заминдорлар қўлида сақлаб қолишга қаратилган апартенд сиёсати мамлакатнинг ансарият аҳолисини — 21 миллион нишини қаттиқ ирқий камситиш ва зулмга, қашшоқлик ва ҳуқуқсизлик ка маҳкум этмоқда.

СУРАТЛАРДА: юқорида — Йоганнесбург шаҳрининг маркази. Мана шу осмонўпар биноларда оқ танли ирқчилар яшашади; пастдаги суратда тасвирланган тунука ва фанерлардан ясалган кулбаларда эса африкалик аҳоли оч-ночорликда ҳаёт кечирмоқда. Бундай геттолардаги болаларнинг 40 процентн 5 ёшга етмай ҳалок бўлади.

Камера — Пресс — ТАСС фотоси.



ДЎСТЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ НЕГИЗИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг таниқли публицисти Тапан Дас ҳар кварталда бир марта чиқиб турадиган «Эмити» журналида қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг тинчлик учун, империализм ва янги мустамлакачиликни н г Осиё ва Африкадаги ёш давлатларни эксплуатация қилиш ҳамда маҳаллий ва жаҳон урушларини бошлашга қаратилган кирдикорларига қарши биргаликда олиб бораётган кураши ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстликнинг негизидир. Ҳиндистон халқи чет эл зулмига қарши озодлик йўлида олиб борган кураши давридаёқ Ҳиндистон ҳукумати ўтказиб келаётган тинчлик ва блокларга қўшилмаслик сиёсати анъана бўлиб қолган эди. Бошқа кўп мамлакатлардаги каби Ҳиндистондаги миллий озодлик ҳаракати ҳам, деб таъкидлайди муқола автори, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин қудратли мададга эга бўлди.

Ҳиндистон ҳозирги кунда, деб ўктириб ўтади Тапан Дас, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда халқаро кескинликни юмшатиш учун, тинчлик ва хавфсизликни ҳимоя қилиш учун, империалистик ва янги мустамлакачи кучларнинг кирдикорларига қарши кураш олиб бормоқда.

10 Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. МУҲАМЕДОВ: Мен ҳаваскор шофёрлар тайёрлайдиган курсга кириб ўқимоқчи эдим. Шаҳримизда ана шундай курслар борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизда ҳаваскор шофёрлар ва мотоциклчилар тайёрлайдиган курслар бор. Шаҳримизнинг Ҳамза, Куйбишев, Сергели, Акмал Икромов районларидан бошқа барча районларнинг ДОСААФ комитетлари қошида спорт-техника клублари бор. Бу клубларга турли ёшдаги ва турли касбдаги кишилар қабул қилинади. Бу курсларга қабул қилинганлар автомобиль бошқариш сирларини ўрганадилар. Бундан ташқари Ўзбекистон ССР автоҳаваскорлар жамиятининг автомобиль мактаби ҳам бўлиб, ана шу мактабга ўқишга қабул қилинганлар машина ҳайдашни ўрганадилар. Бу мактаб шаҳримизнинг Чимбой кўчасида жойлашган. Бинобарин Сиз автомобиль ҳайдашни ўрганиш орзусида экансиз, юқорида айтиб ўтилган районлар, ДОСААФ комитетларининг спорт-техника клубларига ёки автоҳаваскорлар жамиятининг автомобиль мактабига учрашишингиз мумкин.

* * *

Ҳ. ДАЛАБОЕВА: Ҳозирги пайтда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини ўтказишга катта тайёргарлик кетяпти. Бу тадбир маълумки, 1979 йилда ўтказилади. Мен шу ўринда мамлакатимизда биринчи бор аҳоли рўйхати қачон ўтказилганлигини билмоқчи эдим.

Жавоб: Мамлакатимизда биринчи марта аҳоли рўйхати бундан 52 йил муқаддам ўтказилган эди. 1926 йили биринчи Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилди. Бу тадбир ўша пайтда СССР аҳолисининг миқдори 147 миллион киши эканлигини аниқлаб берган эди.

* * *

М. ШОКИРОВА: Шаҳримизда ёзув машинкаларини ремонт қиладиган устахоналар бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Ёзув машинкаларини ремонт қиладиган устахоналар бор. Шулардан бири Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ҳисоблаш машиналарини ремонт қиладиган корхонасидир. Бу завод Луначарское шоссесидаги 42-уйда жойлашган.

* * *

А. ЖЎРАБОЕВ: Шаҳримизда балет тушишни ўргатадиган студиялар борми?

Жавоб: Шаҳримиздаги кўпгина Маданият уйлари ва саройларида балет студиялари ишлаб турибди. Шундай студиялардан яна бири Куйбишев районидаги «Коммунальник» клубида бор. Бундан ташқари кабелсозларнинг Маданият саройида, тракторсозларнинг Маданият уйида ҳам балет тушишни ўргатадиган студиялар ишлаб турибди.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Ушбу воқеани Новий путь кўчасининг транспорт қатнайдиган қисмида содир бўлган ва автомобиль билан тўқнашувда бир киши жароҳатланганлиги туфайлигина кўча-транспорт ҳодисаси деб аташ мумкин. Ваҳоланки бундай тасодиф бирор турар жой биносининг ҳовлисида, ёки истаган ҳоли жойда содир бўлиши мумкин эди. Сабаби, ҳеч қаерда ишламайдиган Александр Кудряков ниҳоятда маст бўлганлиги учун кўз олдидаги ҳеч нарсани кўролмас эди. Натижада у кўчани кесиб ўтаман деб Новий путь кўчаси билан Куйбишев шоссеси чорраҳасида турган автобусга бориб урилди. Бош мияси калқиган Александр Кудряков 3-шаҳар касалхонасига ётқизилди.

ЁЗУВЧИ А. Г. АЛЕКСИН



Совет адиби Анатолий Георгиевич Алексиннинг номи фақат мамлакатимизда эмас, чет элларда ҳам машҳур. Анатолий Алексин 1924 йили Москвада туғилди. Унинг ижодий фаолияти 1950 йилдан бошланди. Ўша йили ёш китобхонларга бағишланган биринчи қиссаси нашрдан чиқди. Бугунги кунгача адиб ўнлаб сермазмунли асарлар яратдики, бу асарлар унга катта шуҳрат келтирди. Унинг асарлари кўпгина тилларга, шу жумладан, инглиз, француз, итальян ва япон тилларига таржима қилинган. Унинг «Қайтиш адреси», «Қўнғироқ қилинг ва келинг», «Битирувчилар» синфари саҳна асарлари театрларимиз саҳнасида муваффақиятли қўйилмоқда. А. Г. Алексин ажойиб асарлари учун РСФСР Давлат мукофоти, Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланган. Яқинда у Г. Х. Андерсен дипломи билан тақдирланди.

Ёзувчининг бир қатор қиссалари СССР Давлат мукофотига тавсия этилган.

СУРАТДА: ёзувчи А. Г. Алексин.
ТАСС фотохроникаси.

XX АСР ОВОЗИ

Николас ГИЛЬЕН, Куба.

КАПАБЛАНКА

Не билардим шахмат бобида,
на аспини, на филини
бирор бор қўлимга олмаган
бўлсам?..
Мени, гўё, гунгу
кар қилиб қўяр
ҳолатларининг алгебрик
формулалари,
юнон алифбоси
ва ҳар пиёдаси бир сир калити —
бўлмиш фалсафий тахта.
Эсдан чиқармайман
лекин Капабланканн, —
менга ҳамма ерда уни эслатишар.
Йўлларда —
найзадай тўхтатди овозлар менн.
— Сен кубаликми, кўрмадингми
Капабланкани?
(Мен эсам, жавобан: Куба —
кўкиш тимсоҳ бўлиб кирар
дарёга дейман).
— Сен кубаликми,
Капабланканинг аҳволи қалай?
(Мен эсам, жавобан:
шом чоғлари Куба —
маъюс кабутар бўлиб
учади, дейман).
— Сен кубаликми, қани айт-чи,
биз томонга
келмасминан Капабланка?
(Мен эсам, жавобан: тунлари
Куба —
мажруҳ гитара
бўлиб инграйди дейман).
— Сен кубаликми,
Капабланка қаерда ҳозир?
(Мен эсам, жавобан:
Куба — кўз ёши, дейман).
Сиртмоқ ташлар товушлар тинмай,
тузоқ қўяр, гирдимни ўрар.
йўл ёқалаб ўсган тикондек
кийимларга илашиб олар,
узун, катта илонлар янглиг
йўл юзига чиқар ўрмалаб,
гувиллайди бошим устида —
қанотлар сингари...
Мана шундай,
Капабланка қўр тўниб —
Ултириб қолган йўқ
шахмат тахтида;
йўқ, мудом йўлда у,
унинг салтанати бор.
жаҳоннинг ҳар бир бурчида.
У Куба билан бирликда ўтар
Норвегиядан Занзибаргача,
Саратон мадоридан
то музликлар қадар.
Кўпиркладан, тоғлардан ўтиб,
пиёдалар билан, тўралар билан,
оқ отини гижингламб
у кетиб борар;
учраган ҳар аёл қаршисида
олиб бош кийимини,
эрларга жилмаяр таъзовзла,
ва ҳар қандай кўприкдан
нучли учқунлар чиқарар
шахматнинг оқ оти...

Муҳамадали ҚУШМОҚОВ таржимаси.

Паруйр СЕВАК, Арманистон.

КЕЧА

Автомашиналар
кундузи —
Мушук боласи — ожиз.
Кечаси
Кўзларини очади улар.

Кеча. Сукунатга
Танглик қилар йўл.
Итқитар у
Барча ва барчасинн.
Суринади
тоғлар ҳам йироқ.

Елғизлик, Ҳайём каби
Сархуш ва шаккок.
Итлар меҳрибон ҳуради.
Ҳуради,
йўқ, зорланади.
Дайди итлар жўровоз:
«Кечир, шаккокни,
кечир!»

Зулмат сирди
синф тахтасини.
Беланди
юлдузлар шабнамига
Бегубор осмон.
Камгаплик яхши
Жим...

Ут ва чироқлар билан
Тиллашмоқда фурсат.
Ҳар хонадон
Хабар йўллар оламга:
Бола йигиси,
Она алласи,
Автолар ва
сигирларнинг
Узуқ-узуқ мунграши.
Милт-милт садолар.
Милт-милт чироқлар.
Энг комил алифбо
— Морзе.
Сўнгра тинар улар.
Жавоб берар дунё.
Дунёнинг хабарлари —
Инсонлар
нўржаон тушлар.
Бахтли тушлар,
Даҳшатли тушлар,
Вас вас
Ва шунчаки тушлар.

Менга бўлсин —
тунги васвасалар.
Токи сизга —
Бахтиёр тушлар.

* * *

Нораста муҳаббатинг
ва расида
изтиробим менинг
дуч келди ногоҳ
сўқмоқдаги
икки йўловчисимсон.
Сусталди одимлар.
Мушкул ажралмоқ —
нораста муҳаббатинг
ва расида
изтиробим менинг.

Толиқиб, салгина
оромга асир
узансак ўринга
ёнма-ён ночор,
бизни асраш истаб
бошимиз узра
нўҳна ривоятлар
туради бедор.
Орамизда эса,
мисоли шамшир—
нораста муҳаббатинг
ва расида
изтиробим менинг

Абдуқарим ҲСЛОМОВ таржимаси.

Қайсин Қулиев, Болқор шоири.

«Қор бордир дунёда...»


Қор бордир дунёда сирли ва
оппоқ.
Гулдурак бор:
усиз баҳор йўқ мутлоқ.
Ишқлилар қўли бор —
қайноқ қанчалар,
Олов бор —
тунлари бизни қиздирар.
Қўшиқлар, болалар
бордир кўп сокин.
Ҳаёт гулдураксиз бўлмагай лекин.
Жарангдор дўст сўзин
тинглайман ёнпб,
Бўрсилдоқ нон ҳидин
ҳидлайман қониб.
Дунёда йўллар бор, имлар олисга,
Инда бургутчалар ётар ҳозирча.
Болалик ёд бор, тугилган уй бор,
Япроқ бор —
ювилган ёмғирда такрор.
Китоб бор —
жавонда тизилган қатор,
Оламда юлдузлар ёнгувчи кўп бор.
Лек бунда гулдирар
гулдурак ҳамон,
Буни унутолгай фақат ким.нодон.
Низомиддин МАҲМУДОВ таржимаси.

Гарсиа БЕРИШ, Ангола

Тўртинчи февраль исёнкорларига

Тўртинчи февралда —
оддий бир кунда,
Содир бўлган эди ушбу воқеа:
Номсиз гул ва номсиз
қоннинг ҳидини
Шамол олиб келди димоғимизга.
Соҳил қумларида сиқиқ оқди
қон,
Уйқудаги денгиз сувин бўяди,
Бўяди занги ток япроқларини:
ЙИҒЛАМАЙМИЗ МАРҲУМЛАР
УЧУН!
Одамларнинг ўз эрк-ихтиёри ва
Ишлари,
Қарорн,
Ҳам ишончлари
Одатий боришин воқеаларнинг
Кескин ўзгартириб юборган куни
Содир бўлган эди ушбу воқеа:
ИЗИНГИЗДАН БОРАМИЗ,
ЎРТОҚЛАР!
Қип-қизарди қадрдон тупроқ,
Олди ботаётган қуёш рангини,
Одамлар онгида — қатъийлик,
Мускулида жипслашди куч:
БИЗ ТОМОНДА БЎЛАР ҒАЛАБА!
Қон оқди тўлдириб кўча-кўйларни,
Эски йўлларни у айлади вайрон.
Ва ўсди изидан янги бир қаёт —
ҚОН БИЛАН ОЛИНДИ ЮРТ
ОЗОДЛИГИ!
Сулаймон РАҲМОН таржимаси.

Бу йил СССР Давлат мукофотига тавсия этилган асарлар орасида рассом Биоти Дмитрий Спиридоновичнинг асарлари ҳам бор. «Жаҳон адабиёти кутубхонаси»нинг бадиий безаги ва Егор Исаевнинг «Хотира ҳукми» ҳамда Эйжени Веверкснинг «Лаънати заминга гуллар ўтказинг» асарларига ишлаган безаклари учун Б. Д. Спиридоновнч СССР Давлат мукофотига тавсия этилган.
ТАСС фотохроникаси.



Аҳмад бин Султон МАҲВИ, Ҳиндистон.

ЯНГИ ҲАЁТ

Узни ҳар он, ҳар замон имтиҳон этмоқ керак,
Ҳур ҳаётга ёгду, нур арғумон этмоқ керак.
Орзу ила умиднинг мисли баҳор яшнатгил,
Вақт биз тарафдадир манзилга етмоқ керак.
Ғамларни тортиб олиб ўрнига бахт берайлик,
Ҳур ҳаётда бахтиёр энди кўкрак керайлик.
Зулматдаги ҳар инсон олсин бахтдан улушин,
Зулматдаги каснинг ҳам ёруғ юзин кўрайлик.
Янгилик айланг ижод ўтмишга салом айлаб,
Олға юринг баҳорлар байрамин давом айлаб,
Ҳаёт ила тафаккур гўзаллигин қилиб жам,
Бурчни унутмай асло, бурчга эҳтиром айлаб.
Узни-ю ўзгаларнинг виқорини билурмиз,
Янги ҳаёт биносин меъморини билурмиз,
Тариху замон нчра бир давроннмиз ўзимиз,
Ҳаёт шавқин тафсиру асрорини билурмиз.
Жаҳон аро келтирдик янги бир ҳаёт бизлар,
Севги ила вафога қўйдик янги от бизлар!

Муҳаммад АЛИ таржимаси.

Александр ФАДЕЕВ.

ЁШЛИКДАГИ ДЎСТИМГА

Атоқли рус совет ёзувчиси Александр Фадеев ижодида бадиий асарлар билан бир қаторда у яратган мактублар ҳам алоҳида ўрин тутади. Ёзувчи 1949—1956 йиллар мобайнида «Ёшликдаги дўстимга» деб номланган ажойиб мактублар гулдастасини яратган. Мактублар Фадеевнинг энг яқин дўстларидан бири Александра Филипповна Колесниковага аталган.

Қуйида ана шу мактублардан бирини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

Азизам Ася!

Мен Сизга ўзингиз билган ва эъзозлаган ўсмирликдаги ошначилигимиз ҳар қалай қандай тарқалиб, бизлар қай йўсин дийдор кўришмай кетганлигимиз хусусида яна сўзлаб бергим келяпти. Дастлаб қараганда, бу, айниқса, ҳозир, орадан анча муддат ўтгандан сўнг ғалати туюлиши мумкин. Ўша ошначилигимиз аслида ёшларнинг ноёб йиғини эди. Владивосток ўқувчилари орасида айни ўша ошналаримиз ҳаммадан аввал халқ қаватига кириб, революция сари қадам қўйганлари ҳам бежиз эмас. 17—18—19-йиллари эса, бу жиҳатдан биз байроқдорлар бўлгандик.

Ўзимиз 17—18-йилларда ном қўйган «Коммуна»миз қандай аста-секин тарқиб топгани ҳозир ҳам ёдимда. Февраль инқилобигача ҳаммамиз ҳам ўзгарувчан, тарқоқ, турли дарваларга мансуб эдик. Болаликда умуман тасодифлар орқали шундай бўлиши мумкин. Шахсан ўзим кўп «шерикчилик»ларни алмаштирганман. Ҳозир улардан айримларини ҳатто таассуф билан эслайман. Чунки улар омонат шерикчилик эди. Айбим шунда бўлганки, ёш болалигимданоқ кўп китоб мутолаа қилган мен тирранча кўп йиллар турмуш масаласида, ҳар қалай тўпорилигимча қолиб келганман. Мен қишлоқ доясининг ўғли, номигагина стипендия олиб таҳсил кўраётган, амал-тақал тирикчилик ўтказиш учун 12 ёшданоқ дарс бериб, чой чақа ишлай бошлаганим учунми, ўша пайтда ижтимоий тенгсизлик қонунлари менга ҳам бевосита алоқадорлигини тушунмасдим. Шунинг учун ҳам, кўпинча мавқеи меники билан баравар бўлмаган соҳта ошналар орасида соддалик билан дард очди қилардим. Аммо, 17-нчи йилга қадар ошначилик алоқаларимдан айримлари озми-кўпми узилмай турди. Чунки, бу алоқалар дам кучайиб, дам сусайиб болаликдан давом этиб келарди. Масалан, Женя Хомяков (у ўрмон тафтишчисининг ўғли, Сайфунь кўчасининг энг юқори муюлишида яшаручи эди), Гриша Билименколар билан ошначилигимизни олайлик. Ўғлон ҳаммаси ё кўп жиҳатдан кўнглимга ўтиришмаса ёки уларнинг «таржимаи ҳоллари»да меникига ўхшаш томонлари бор эди.

Ўша пайтларда учала ошнам бир-бирларидан узоқ эдилар. Улар билан алоҳида-алоҳида ошначилик қилардим. Гриша билан ошначилигимнинг боиси шуки, биз иккаламиз «қишлоқилар» бўлиб, биргаликда Евгеньевка бекатидан Владивостокка борар ва яна ёнма-ён қайтиб келардик. Женя билан яқинлигимга сабаб, кўп йиллар муттасил партадош эдик, ёнма-ён яшар ва мактабдан иккаламиз яёв қайтардик. Мен кўп йиллар Сайфунь Комаровский, Нагорний, Последний кўчаларида яшаганман. Ися билан ошначилигимга келсак, у ҳам мен каби болаликданоқ китоб мутолаасини ёқтирар, менга ўхшаб ёзувчиликка қизиқарди. Женя Хомяков ғалати (болаларга хос бўлмаган) кайфиятли бўлиб, умуман танҳо ўзи яшагучи эди. Гришанинг яна бир мендан «алоҳида» дўсти Саня Бородкин, худди шунингдек, Исянинг ҳам мендан мутлако «алоҳида» ошнаси Лёва Гриштейн бор эди. Биз пича улғайгач, менда дўстларимнинг ошналари Саня ва Лёваларга нисбатан бирмунча муштарак манфаатдорлик ҳисси пайдо бўлди. Бу спорт борасида эди. Кўп ўтмай, орамизга Петя келиб қўшилди. У бизлан бакувватроқ ва «жаҳлдор» бўлиб, ҳаммамиз Петядан ҳайиқиб турардик. Сафимизда яна Петянинг яқин дўсти, ажойиб футболчи ва хоккейчи Паша Цой ҳам пайдо бўлди. Бора-бора кечаларга қатнаб, танца туша бошладик. Янги, янада кучлироқ, «муштарак манфаатлар», яъни қизларга жазманлик қилиш одати юзага келди. Энди бутун бир давра шаклланганди. Бизнинг даврамизга— мен, Гриша, Саня, Петя, Паша Цой алоқадор эдик. Мазкур давра мени ҳам нимаси биландир жалб этиб қолди. Аммо даврачнинг ўша пайтдаги савияси пастроқ бўлиб, менинг эхтнй интилишларим, аксинча, ҳар томонлама жадал шаклана бошлаганди. Чунончи, агар футболни истисно қилинса, мен билан Петя ва Паша Цойларни мутлако ҳеч нарса бирлаштирмас. мен каттарок нарса хохлардим. Гриша билан ошначилнкни давом эттирдим, у орқали Саня Бородкин билан учинчи муштарак алоқада бўлиб турдим. Айни вактда Ися ҳам ошнам бўлиб қолаверди. Исянинг яқин ошнаси Лёва Гриштейн ҳам озми-кўпми дўстим эди.

Бироқ революция бошланиб, биз бир неча йиллар мобайнида гувоҳи ва қатнашчиси бўлишимизга тўғри келган улкан ижтимоий жанг қуюлоч ёзган, ўзгарувчан, ҳали мўрт интилишларимиз яққол равшанлашди. Орамизда чуқур ички тарафкашлик рўй берди. Бу тарафкашлик биз ҳали англаб етмаган улкан ижтимоий мазмунга эга эди.

1916—17- йилларнинг охирги, айниқса, 1917—18 йиллаларининг бошларида коммунамизда мустаҳкам марказ таркиб топди. Бу Петя—Саня — Гриша — мен эдик. (Билишимча, биз Сиз билан худди шу аснода дўстлашган эдик. «Коммуна»нинг бошқа аъзолари хусусига келсак, менимча, улар ҳатто Набережнийда бўлишмасди ҳам шекилли, а? Эслатинг-чи, шундаймиди?)

«Коммунанинг қалби» бўлмиш ўша марказ нега шундай таркиб топганди? Шунинг учунки, биз энг халқчил, қуйидан чиққан, билим юртидаги тенгдошларимиз орасида халққа яқин қатлам эдик. Бизнинг таъсиримиз ўлароқ кўп ўтмай Ися Дольников, Гринштейн, Паша Цойлар ҳар бири ўз йўли билан «Коммуна»га олиб кирилганди. Бу Гринштейн билан Паша Цойлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. Уйлашимча, мазкур вазият «коммунага қабул қилинган Шура Голонбикнинг ўшандаги кайфиятини ҳам белгилаган эди.

Бу ўринда сўл инқилобий қарашларимиз ҳали шаклланиб етмаганлигини ҳам унутмаслик керак, албатта. Чунки, биз ёш бўлганимиз учун «қўшимча» масалаларда изчил бўлмаганмиз. Шунингдек, тағин ёшлигимизга бориб, жумладан, бир-биримизнинг сиёсий камчилик ва кусурларимизга нисбатан айниқса жудаям кўнгилчанлик қилардик.

Сиз савдо билим юртидаги ўқувчилар забастовкаси, «коммуна»мизнинг шаҳар «Ўқувчилар иттифоқи», «Ўқувчилар ахбороти» газетасидаги фаолияти ва бизнинг мактабдан ташқаридаги кўплаб ўқувчилар доирасига таъсир кўрсатганимизни унутмаган бўлсангиз керак, албатта. Ленинградлик ёзувчи Павел Далецкий ўша даврнинг жонли шоҳидидир. У ҳозир ҳам қаёт. Ҳар турли ўқувчилар уюшмасининг «арбоби» бўлган, кўзойнакли, озғин журналист Далецкий ўшанда «Ўқувчилар ахборотига» рамзий шеърлар ёзиб турарди.

Ўша ўқув йили охирларида «Ёшлар минбари» газетаси чиқарувчи Владивосток ишчи ёшлари билан алоқа ўрнатган эдик. Кўрқоқ ва шубхаланувчанликлари, сиёсий майллари, шунингдек, «боғлакайлар» эмас, «зиёлилар» бўлганлари учун Женя Хомяков билан Вова Вейсни «коммуна»мизга қабул қилмадик. Ҳолбуки иккиси ҳам умуман ўша давр нуқтаи назаридан «келишган ўсмирлар» ҳисобланишарди. «Коммуна» ичида пича ётсировчи, зайфроқ аъзо Гриштейн эди. У «сўзда» сўл бўлса-да, умуман олганда амалга интилар, феълида биз кейинроқ сезиб қолган принципсизлик пайқаларди. Павел Цой дадил ўспирин бўлгани учун у билан якин ошначилик қилардик. Аммо Цойнинг ўшанда ҳам биз тушунмовчи алоҳида қандайдир «корейсча» тармоқли алоқалари, тушунчалари бўлгуччийди. Дольников билан Голомбик хусусига келсак, улар ҳаммамиздан илгариёк—1917—18 йилларда ўзларини «партиявий» большевиклар деб эълон қилишганди. Гарчи «Коммуна» маркази (яъни, тўрт кишидан иборат биз) ўша вактда ўзини большевикча деб атамаган бўлса ҳам, турмуш бизнинг йўлимиз партия билан ҳамжиҳатлигини кўрсатиб қўйганди.

Биз жуда ҳамжиҳат ва бир-биримизни севар эдик! Ҳаммамиз кимгадир кўнгил қўярдик, бу жиҳат «қалб туйғуларимизга муваффақият келзари ҳам, омадсиз кезлари ҳам ҳамдард бўлар, ҳамма нарсада бир-биримизга ишонардик. Пул, хусусий бойлик дан ҳазар қилардик. Топганимиз ўртада эди. Вазият талаб қилса, пибосларимизни ҳам бир-биримизга бериб турардик. Қанчалар бахтиёр эдик!

1918 йил баҳори умрбод эсимда қолган. Сизга бўлган чексиз муҳаббатим, «Коммуна»га мансублигимдан бахтиёр қиёфада Гриша билан бирга Спасск сари йўл олдим. Қишлоғимга жўнаш олдидан у билан Спасскда бир неча кун бўлдим, чунки Гриша ўзи отасининг қариндошларини кўриши керак экан. Ўша ерда Гриша севувчи қандайдир Надя исмли қиз яшар экан. Гриша қизининг елкасига ўзининг костюмини ташлаганча, чоқкина бокқа эргаштириб чиқди. Богда асир мадьярлардан иборат оркестр куй ижро этарди... Лоқайд, ихчамгина ва ҳали оқ-қорани танимовчи Надя унинг Гришаси иккаламиз Спасскдаги темир йўлда ишловчи эркаклар орасида Совет ҳокимияти деб ҳар куни митинг ўтказишимизни ҳаёлига ҳам келтирмай бораётганди. Мен ўшанда Сибирь флот экипажида яшаётган Сибирцевлар оиласига кўниб, амакиваччам Игорга ёрдамлаша бошладим ва кўп ўтмай партияга қабул қилиндим.

Коммунадаги дўстларнинг қарашлари суриштирила бошланди. Бу пайт Ися Дольников партияга кирган бўлиб, у ҳам яширин ташкилотда иш олиб бораётганди. Саня, Гриша, Петялар биринчи учрашишимиздан кейинроқ эътиқодимизни қабул қилишиб мен ва Дольников орқали улар ҳам яширин иш олиб боришга ўтишди. Шура Голомбик Владивостокда йўқ эди. Гриштейннинг мавқеияти бизникидан фарқли бўлиб, биз у билан бегоналар сифатида учрашдик. Гриштейннинг ўзи биздан ажралиб кетди. Кейинроқ Паша Цой, Женя Хомяков ва Вова Вейсларни ишимизга аралаштирмасликни лозим топдик. Уларнинг ўзлари ҳам юзаки ошначилик муносабатларимиз жараёнида бизга бегоналиклари маълум бўлди. Шундай қилиб, «коммунамизда беш кишини қолди. Аммо, биз янги большевистик ошналар орттириб, 8-нчи синфда ўқишни давом эттирар эканмиз, ҳарбий порт, темир йўл устахонаси, босмахона ва бошқа корхоналар ёшлари билан яқин алоқа ўрнатдик.

1919 йил баҳори областда партизанлик ҳаракатлари бошланди. Отрядларга биринчи бўлиб Петя, Гриша, Саня ва Дольниковлар жўнатилди. Суванск районига поезд орқали бориш учун шаҳар комендантидан рухсатнома керак эди. Босмахонадаги танишларимиз кўмаги билан дўстларимиз учун сохта фамилияли рухсатнома ва тегишли паспортлар ясадик. Мен отрядга пича кейинроқ жўнадим. Рухсатнома хусусида мулгомбирлик ишлатдим. Эндигина битириш имтихонларини топширган Женя Хомяков гувоҳнома олиб, ҳар доимгидай баҳорда дадасининг Шкотовадаги чорбоғига бориши керак эди. Мен, барибир партизанлар орасига бориш лигимни билганим ва имтиҳонларга мутлақо тайёр бўлмаганим учун, мактабга қадам босмай кўя қолдим. Эски ошначилигимиздан фойдаланиб, Женяга бетобликим борасидан имтиҳонларга қатнаша олмаслигимни айтиб, дадасининг чорбоғида бир ҳафта меҳмон бўлишни илтимос қилдим.

Шкотово мавзуидаги чорбоққа бориш учун ҳам рухсатнома керак эди. Турган гапки, Женя ўзи учун ва отаси чорбоғига меҳмон бўлиб бораётган мактабдош — мен учун ҳам осонгина рухсатнома олди.

Женя иккаламиз ўрдак овлагани борган Хомяковлар чорбоғидаги ўша ажойиб, Узоқ Шаркка хос баҳор куни ёдимда. Кўл ёқасида Женяга у билан хайрлашишим кераклиги ва каёққа кетаётганимни тушунтиндим. Женя мени қучоқлаб кўз ёши қилди, Шундан сўнг пиёда Шкотовогача бориб, Кенгаузга кетаётган поездга ўтиодим. Кейин Сиц бекатида тор йўлли поездга ўтдим. Ўша ерда-ги дурадгор бир алоқачимдан штаби Фроловка қишлоғида жойлашган Сучанск отрядига йўлланма олиб, отрядда яна дўстларим билан бирлашдим.

Партизанлар урушининг бошларидаёқ Петя, Гриша ва Санялар бошқа районга юборилганликлари учун (ҳаммаларим жойларда жанг қилишимизга тўғри келди. Улар билан 1920 йили Благовещенскда учрашдим. Бу пайтда дўстларим фуқаро хизматида, мен эса армияда эдим. Ажрашиб кетганимизни эслаш жудаям оғир. Улар билан атиги бир ҳафтагина суҳбатлашдим холос, чунки, мен хизмат қилаётган қисм атаман Семёновга қарши жанг қилиш учун Забайкалъега ташланган эди. Орадан иккинчи ой ўтгач, Семёнов тормор қилингандан сўнг, 1921 йили февраль ёки мартида партия X съездига делегат сифатида Москвага жўнаб кетдим. Мен Кронштат исёнини бостириш учун йўлланилган съезд аъзоларидан бири бўлиб, Кронштатни штурм қилиш пайти муз устида оғир жароҳатландим ва беш ойга яқин Ленинграддаги госпиталда ётгач, ниҳоят Тог академиясида таҳсил кўра бошладим.

Ўша ерда, Москвада ё 1922 йили охири ёки 1923 йили бошларида тағин Петя ва Гришалар билан учрашдим. Волочевск, Хабаровск учун жанглар пайти — 1922 йили Саня Бородкин армияга чақирилишга муваффақ бўлиб, у жангда ҳалок бўлди. Бу ҳақда сизга биринчи мактубимда ёзгандим. Игорь Сибирцев ҳам ўшанда ҳалок бўлганди. Петя билан Гриша ўлка японлар ва оқлардан озод этилгач, ўқишга жўнатилишди. Улар Ломоносов номли электромеханика институтига киришганди. Тахминан худди шу пайтлар Голомбик Москвага келиб, у ҳам ўша институтга жойлашди. Улар учаласи институт ётоқхонасида яшашарди...

Кўп ўтмай, Петя уйланди... Кейин Голомбик ҳам турмуш қурди (улар ҳамон ўқишни давом эттиришиб, ётоқхонадога умумий квартирада яшай бошлашди. Пётр билан Голомбик фарзанд кўришди...)

Академияда ўқиётган пайтларим уларникида бўлиб турардим, аммо, бу узоқ давом этмади. 1924 йили мен Краснодарга партия иши билан сафарбар қилиндим ва у ердан Ростов-Донга ўтиб, карийб уч йил Москвадан ташқарида яшадим, Москвага ёзувчи сифатида қайтиб келдим. Едимда, 1928 йили Москвада савдо алоқалари билим юртида дарс берган рус тили ва адабиёти муаллимимиз кекса Степан Гаврилович Пашковский учратиб қолдим. У ҳозир ҳам Москвада. Пашковский билан баъзан учрашиб турамиз. Муаллимимиз илтимосига кўра, мен унинг квартирасига Москвадаги собиқ талабаларини елиб-югуриб, ҳар турли йўллар билан тўпланга муваффақ бўлдим. Ўша учрашувда Петя, Гриша, Голомбикдан ташқари Хомяков ҳам ҳозир бўлди. У Сибирнинг қаеридадир хизмат қилар ва Москвага командировка билан келганди. Шунингдек, мазкур учрашувга Хомяковнинг синглиси Адага уйланган Вейс ва ўша пайтлар Москвада ишлаётган Дольников ҳам келишди. Ҳаммамиз тўпланган, ёшлигида ўта халқчил кайфиятли бўлган севимли кекса муаллимимиз билан биргаликда болалик йилларимизни эсладик, умуман, учрашувимиз анча мароқли ўтди. Аммо, бу дийдор кўришиш оқшомимиз тасодифий ва сўнггиси эди. Ўшами ёки келаси йили институтни тугатишган Голомбик билан Гриша турли шаҳарларда ишлаш учун жўнаб кетишди. Петя аллақандай оғир дардга чалиниб, институтни тугатолмай у ҳам Москвадан ташқарида хизмат ўташга кетди. Йиллар ўтиши билан канонлардир жудаям якин ё бир қадар якинроқ ёки ёт, бегона одамларим изи турмуш сўқмоқларида ё йўқ бўлиб кетди. Айримлар билан ўша учрашувдан кейинроқ, баъзилар билан ахён-ахён, тасодифий дийдор кўришишлардан сўнг, умрбод алоқам узилиб қолди... Бу қарама-қаршиликлар, йўқотишу, янги-янги дўстлар орттиришларга тўла, кишини маъновий бойитувчи, жонли, ривожланаётган янги турмуш тақозоси бўлди.

Қаранг, қанча эзмалик қилдим Сизга, ёзизам Ася! Аммо, аминманки, бу гаплар Сизга жудаям мароқлидир. Устигаустак бир пайтлар ўзингиз Ўзбекистондан жўнатган мактубларингизда шу ҳақда ёзиб юборишимни илтимос қилгандингиз...

Мен тахмин қилганимча Барвихидан биринчи июлда эмас, 27 июнда чиқаман. Бундан бу ёқ уй адресимга ёзинг. Келажакда ҳар доимгидай талай ишларим қалашиб ётибди. Ҳозирдан узундан-узун мактублар ёзишга фурсатим бўлмайди, Аммо Сизга озмикўпми юрагимни бўшата олганимдан бахтиёрман.

Энг эзгу истаклар тилаб қоламан Сизга, ёзизам Ася.

САША.
1949 йил, 21 июнь»

Хайрулла ЭРГАШЕВ таржимаси.

● Олимлар яратган мўъжизалар

Тоза темирдан ясалган колонна

Деҳли яқинида тозалиги 99.7 процент темирдан ишланган колонна жуда кўп асрлардан бери ўзгармай сақланиб турибди. Металл тоза бўлганлиги сабабли у атмосфера ўзгаришлари, ҳавонинг юқори намлиги ва бошқаларга бефарқ тураверади.

Колонна қачон ким томонидан ясалганлиги ҳақида икки хил фикр бор. Колоннадаги ёзув унинг Ҳиндистонда эрамиздан олдин 870 йилда қўйилганлиги ҳақида хабар беради. Мусулмон олимлари эса уни истилочилар араб мамлакатларидан олиб келган бўлсалар керак, деб таҳмин қиладилар. Қандай бўлмасин, жуда тоза металлдан (бундай ҳолдаги темирни ҳозир ҳам анча қийинчилик билан олинади) ясалган колонна авторлари бўлган қадимий металлурглар ҳунарига таҳсин айтмасдан бўлмайди.

Менделеев музёрлари

Жаҳонга машҳур даврий система жадвалининг муаллифи Д. И. Менделеев кимёдан бошқа соҳаларда ҳам анча ишлар қилганлиги маълум. У метеорология бўйича илмий ишлар олиб борган, ҳаво шарида осмонга кўтарилган, ишдан бўш пайтларида чамадон ясашни машқ қилган. Яқинда маълум бўлишича, у кемалар лойиҳасини ҳам чизган. 1901 йили у Шимолий денгиз йўлини босиб ўтишга қодир бўлган музёрар лойиҳасини чизиб берган. Лекин бу лойиҳа у вақтда қолиб кетган. Олим музейи ходимлари ана шу лойиҳани топиб, денгизчиларга таклиф қилишди. Ленинградлик кемасозлар музей ходимлари билан ҳамкорликда музёрар модели ни қуриб синовдан ўтказдилар. Синов музёрарнинг юқори сифатли эканлигини исботлади.

Бензин ўрнида оҳактош

Баъзи мамлакатларда бензин ўрнида ёғоч спирти ишлатиш бўйича лойиҳалар тузилмоқда. Ғарбий Германияда шундай автомобиллар синовдан ўтказилмоқда. Лекин бундай ёнилғини кўп миқдорда қаердан олиш мумкин, деган савол олимларни қийнаётган эди. Яқинда Ғарбий Германия олимлари метанолни оҳактош олиш лойиҳасини тузиб чиқилар. Оҳактош аввал қизитилади. Бунда углерод оксиди ажралиб чиқади ва кейин реакторга узатилади. Реакторга бараварига водород ҳам берилади. Реакция натижасида синтетик метанол ҳосил бўлади. Қўшимча маҳсулот сифатида сўндирилган оҳак билан кислород ҳосил бўлади. Олимлар фикрига кўра, бундай ёнилғи юқори энергия манбаи бўлиб, унинг октан сони бир юз ўттизга боради. Бу двигателнинг фойдали иш коэффициентини ҳам анча юқори кўтаришга имкон беради.

Қ. АҲМЕРОВ,
химия фанлари кандидати.


3 ЮШКЕНТ бет ОКШОМИ

11 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР, ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

◆ СУЗИШ

Секундлар ҳал қилади



Армия спорт клубининг сузиш ҳавзасида сузиш бўйича мусобақалар бошланди. Кемероволик Бутунниттифоқ тонифасидаги судья Петр Тимофеевич Шербинин пистолетдан ўқ узиб, баҳс бошланганлигини билдирди... Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас барча спортчилар сувга сакрадилар. Ишқибозлар уларни ҳар хил далда сўзлар билан олдинга чорлаб тўришди.

Грузиялик болалар айниқса ўз шерикларига жон куйдиришди. Улар ҳамжиҳатлик билан командадошларини тез ва яхши сузишга даъват этиб турардар. Биринчи бўлиб сувга сакраган спортчилар маррага етиб келишди. Шу пайт Москвадаги «Москва» ҳавзасининг катта тренери Тамара Васильевна Костомарова микрофон олдига келиб кейинги босқичда қатнашадиган спортчиларни эълон қила бошлади:

— Биринчи йўлка бўйлаб ленинградлик спорт мастери... Иккинчи йўлка бўйлаб қозоғистонлик спорт мастери... Учинчи йўлка бўйлаб эса литвалик спорт мастери сузади.

Бу сўзларни эшитар экан беихтиёр кишининг қалбига қувонч тўлади. 15—16 ёшли спорт мастерлари! Бу мамлакатимизда болалар спорти оммавийликдан маҳорат сари ривожланиб бораётганлигини кўрсатувчи ёркин далил эмасми?

Судья-диктор аввалги сузиш баҳсида спортчилар эришган натижаларни эшитгирди.

— Бугун грузия командасининг вакили Стручалин спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлди.

Ҳа, бу энг аҳамиятли нарса. Ёш спортчи маҳорат сари яна бир салмоқли одим ташлади.

Бу нарсани мусобақалар бош судьясининг ўринбосари, Бутунниттифоқ тонифасидаги судья Н. Сацукевич ҳам алоҳида таъкидлади.

Ҳа, мана шундай мусобақаларда болалар маҳорат сари яна бир марта одим ташлашга муваффақ бўлишади, — деди Николай Никифорович. — Энди олимпиада шиорини эсга олайлик. У «Олимпиадачилар орамизда» деб номланади. Бунинг маъноси нимада? Унда мусобақаларнинг ўзига хос хусусиятлари мужассамланган. Гапнинг маъноси шундаки, ёшлар орасида спорт «юлдузлари» деярли йўқ.

Бизни хурсанд қилаётган нарсалардан яна бири томошабинлар ва ишқибозлар ҳам болалардан иборатлигидир. Спартакиаданинг мақсади ҳам бошқа мусобақалар сингари фақат ғолибларни ёки спорт мастерлигига номзодларни аниқлаш эмас. Энг асосийси спортга кўпчилик ёшларни жалб қилишдир. Қаранг, бу ерга кўплаб ёшлар тўпланишган, — дея бош билан ишора қилди у трибунага қараб. — Уларнинг кўзларидаги, ҳалқон, берилиб томоша қилишларни кўриб тўғридан-тўғри айтиш мумкинки, улар бу томошадан ўзларига тегишли ҳулоса чиқариб олишади. Спортчилар сафига қўшилишади.

...Душанбалик судья А. И. Кацубинг кўзларида севинч порларди.

— Республикамиз командасининг вакили Павлик Алатарцев юз метрга чалқанча сузиш бўйича ўтказилган мусобақада масофани 58, 4 секундда босиб ўтиб, биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди,— дея ўз фикрини билдирди бизга Александр Иванович. — Бугун эса Ярошенко финалга чиқди. Тўғрисини айтганда биз спартакиада қатнашчилари учун ўта мехрибонлик кўрсатаётганимиз йўқ. Қўлимдаги секундомерда яхши натижалар қайд қилинаётганлигини кўриб севинчим ортяпти. Бу яхши натижаларни ким кўрсатишидан қатъий назар спортчиларимизнинг маҳорати ошиб бораётганлигини англаб хурсанд бўляпмиз.

Республикамиз сузувчилари ҳам дастлабки совринни қўлга киритишди. Н. Хлманская 300 метрга чалқанча сузиш бўйича ўтказилган мусобақада учинчи ўринни эгаллади. А. Агибоев эса 400 метрга комплекс сузиш баҳсида учинчи бўлди.

В. ВОЛЬФ.

◆ ЧЕМПИОН БИЛАН СУҲБАТ

Борис Ельшаевнинг олтин медали

Борис Ельшаев мусобақадан кейин маскасини олди. У сўнгги жангни ленинградлик қиличбоз Александр Колосков билан ўтказиб, ғалабани қўлга киритди. Одатда сўнгги жанг ҳал қилувчи ва оғир жанг бўлади. Лекин бу сафар ундай бўлмади. Бундай тақдирда қайси жанг энг оғири ва ҳал қилувчи бўлди? Мухбиримиз шу савол билан фахрий шоҳсупа олдида қиличбозлик баҳсларида ғолиб чиққанларга мурожаат қилди.

— Киевдаги «Спартак» жамиятининг вакили Александр Вишняк билан бўлган жанг мен учун энг қийин жанг бўлди. Чунки бу ерда маҳорат жиҳатидан тенг бўлган икки спортчигина эмас, балки икки спорт мактабининг вакили бир-бирига дуч келди. Баъзи ўринларда мен кучли бўлсам, баъзи ўринларда Саша устун эди. Шу боисдан ҳам ғалабага эришиш учун бор куч ва маҳоратни устализ билан ишга солишга тўғри келди.

— Сўнгги жангда қийналмадингизми?

— Тўғрисини айтганда унчалик қийналмадим. Жанг бошланиши биланоқ учрашувда ғолиб чиқишимга ишонч ҳосил қилиб қолдим. Чунки жангни асосан мен олиб бордим.

— Борис, сиз Тошкентда меҳмонсиз. Сизни бу ердагилар яхши билишмайди. Шу боисдан ҳам ўзингиз ҳақингизда икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— Мен бу ерга Москва областидаги Ҳамки шаҳридан келганман. Россия Федерацияси командасининг аъзосиман. Ёшим 15 да. 7-мактабнинг тўққизинчи «в» синфида ўқийман.

— Қиличбозлик билан шуғулланаётганингизга кўп бўлдими?

— Тўрт йил бўлди. Машқ бошлаганимда ўн бир ёшда эдим. Дастлаб Юрий Александрович Ивановдан тарбия олдим. Ҳозир Евгений Николаевич Залевский раҳбарлигида машқ қиляпман. У Солнечногорский шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тренеридир. Шу кишининг раҳбарлигида мен СССР спорт мастерлигига номзод нормативини бажаришга муваффақ бўлдим.

— Деман, ҳалн сизда фахрий унвонлар йўқ экан-да?

— Бугунга қадар йўқ эди. Ҳозир биринчи фахрий унвонни қўлга киритдим.

— Сизга муваффақият ва омад тилаймиз.

Борис ҳақиқатдан ҳам жангни жуда моҳирлик ва йиғинчоқлик билан ўтказди. У СССР спорт мастери ленинградлик Сергей Павловдан ўтиб кетганлиги бунинг далилидир. Борис маҳоратли спортчи ўзини чемпион номи билан табриклаганда мағрур нафас олиб қўйди. Ўқувчиларнинг Бутунниттифоқ спартакиадасида ғолиб чиқиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

А. ЖАВСКИЙ.

СУВГА САКРАШ

Ярим масофа ортда қолди

Сувга сакровчилар ҳам мусобақанинг ярмини ўтишди.

Спортнинг энг чиройли турларидан бўлган сувга сакровчилар баҳсида 150 га яқин ўсмир қатнашмоқда. Улар барча иттифоқдош республикалар, шунингдек Москва ва Ленинград шаҳридан келишган. Ҳар бир спортчи уч метрли трамплин ва ўн метрли минорадан сакрашга ғолиб чиқиш учун бор куч ва маҳоратини ишга соляпти. Мусобақа қатнашчиларининг ярмидан кўпроги СССР спорт мастерларидир.

Мусобақада украиналик 13 ёшли ўқувчи «авангард» кўнгилли спорт жамиятининг вакили Алла Коваленко бошлаб берди. Мактаб ўқувчилари мусобақа қатнашчиларининг ҳар бирини илиқ сўзлар билан юксак марраларни эгаллашга ундаб турдилар.

Шу пайт бутун томошабинлар бирданига «оҳ» деб юборишди. Москва командасининг вакили СССР спорт мастери 10 ёшли Оля Миронова трамплиндан сакраш пайтида ўз мувозанатини йўқотиб қўйди. У биринчи сакрашда жуда паст баҳо олди. Бу Оляни спартакиада совринларига даъвогарлар сафидан чиқишига сабаб бўлди.

Мусобақалар ўз навбати билан давом этди. Яхши натижалар билан бирга хатоларга ҳам йўл қўйилиб турилди. Тренерларнинг ён дафтарларида дастлабки ёзувлар, рақамлар пайдо бўла бошлади ва ниҳоят якун чиқарилди. Кичик ёшдаги қизлар ўртасида уч метрли трамплиндан сакраш бўйича ўтказилган баҳсда ереванлик Сильва Эмирзян спартакиада чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни эса РСФСР командасининг вакили Лена Гуслянникова эгаллади. Унинг командадоши Татьяна Алябьева эса спартакиаданинг учинчи совриндори бўлди. Республикамиз сувга сакровчилари орасида Марина Павлина ўн иккинчи ўрин билан кифояланди. Командалар ўртасидаги ўрин қуйидаги тартибда тақсимланди. Арманистон, РСФСР, Грузия. Ўзбекистон терма командаси саккизинчи ўринни эгалладн.

Қизлар баҳсидан кейин уларнинг тенгдоши бўлган ўсмирлар беллашувни бошлашди. Бу ерда РСФСР вакили спорт мастери Николай Дрожин ғолиб чиқди. Қозоғистонлик Евгений Майданников ва ленинградлик Алёша Зеленколар ҳам фахрий шоҳсупага кўтарилишди.

Бўлиб ўтган мусобақалардан кейин РСФСР командаси олдинда бормоқда. Иккинчи ўринни Ленинград, учинчи ўринни эса Грузия командаси эгаллаб турибди. Республикамиз вакиллари ҳозирча саккизинчи ўринда боришяпти.

В. ФИАМСКИЙ.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

БАҲС БОШЛАНДИ

«Олимпиадачилар орамизда» шиори остида Тошкентда ўтаётган ўқувчиларнинг XV Бутунниттифок спартакиадасида ёш спортчилар дастлабки медалларни қўлга киритдилар.

«Ёшлик» спорт аренасида спартакиада программасининг қиличбозлик бўйича ўқувчилар биринчи бўлиб қизғин баҳсларни бошлаб юборди лар.

Финал учрашувлари жуда кескин рухда ўтди. Ўзбекистонлик қиличбозлар Сергей Петренко ва Игорь Голубовлар Иттифоқимизнинг етакчи 68 спортчиси орасида ўзининг ва ўн иккинчи ўринларни олиб, умумкоманда ғалабасига ўзларининг ҳиссаларини қўшишди.

Ўзбекистон ёшлар терма командасининг тренери А. Паранининг фикрича, командамиз бу спартакиадада Львовдагига қараганда анча дуруст қатнашиб, яхши натижалар кўрсатди. Мусобақалардаги қиличбозларнинг техник ва тактик жиҳатдан кўрсатаётган маҳоратлари эътиборга лойиқдир.

Қиличбозлар ўртасида биринчи бўлиб спартакиада чемпиони деган шарафли унвонга РСФСР командасининг вакили спорт мастерлигига номзод Б. Ельшаев сазовор бўлди, у финал учрашувларида рақибларига қараганда энг кўп — 4 ютуқни қўлга киритди.

Кейинги ўринларни тақсимланишида судьялар бир оз қийналишди, чунки тўрт спортчи ўтадан ғалабага эга эди. Уколлар нисбати яхши бўлгани учун иккинчи ўринни ленинградлик спорт мастери С. Павлов эгаллади. Учинчи ўрин ҳам РСФСР вакили Р. Содиқовга насиб этди, ленинградлик С. Холостовда ҳам 3 ютуқ, уколлар нисбати ҳам тенг, бироқ ўзаро учрашувда Содиқов Холостов устидан ғалаба қозонганн туфайли совриндор россиялик қиличбоз бўлди.


Мусобақалар давом этмоқда.

Р. УМАРОВ,

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

КЕРАКЛИ КАСБ



Кадрларни аъло даражада тайёрлаганлиги учун «Шуҳрат» Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва шаҳар савдо Бош бошқармасининг ёрлиқлари билан мукофотланган.

«Шуҳрат» савдо корхонаси ҳузуридаги меҳнат мактабидир. Бу ерда машғулотларни тажрибали ўқитувчилар олиб боришади. 3 ойга мўлжалланган назарий курс товаршунослик асослари, эстетика, этика, психология, совет ва меҳнат ҳуқуқи асослари ва бошқа дарслардан иборат. Назарий курслар тугагандан кейин бевосита мактабнинг ўзида мураббийлар — катта сотувчилар, ишлаб чиқариш таълими мастерлари раҳбарлигида уч ойлик амалий практика ўтказилади. Ўқувчилар бу ерда магазинда ишлаш учун керакли меҳнат маҳоратини ва иш тажрибасини ўрганадилар.

«Шуҳрат» мактаб-магазинининг синфлари ўқув-кўргазмалари ва савдо-технология ускуналари билан жиҳозланган, бу ерда энг янги классли электрон-ҳисоблаш аппаратлари бор. Ўқувчилар савдонинг энг илғор усули — ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлашга ўргатиладн. Савдонинг бу усули харидорларнинг ҳурматига сазовор бўлган.

ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАРИДАН КЕЙИН СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР — КАССИР ИХТИСОСЛИГИНИ ОЛАДИЛАР.

Мактаб-магазин маъмурияти ўқувчиларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга бўлган истакларини қўллаб-қувватлайди. Ўқувчилар Тошкент Совет савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига, кейинчалик эса Совет савдоси институтига киришни истасалар, уларга имтиёзли шароитда имконият тавсия этилади. «Шуҳрат» мактаб-магазинининг кўпгина битирувчилари ўзларининг меҳнат фаолиятини кичик сотувчиликдан бошлашган бўлиб, эндиликда, товаршунослар, инспекторлар, секцияларнинг мудирлари, магазинларнинг директорлари бўлиб ишлашмоқда.

«Шуҳрат» мактаб-магазинини битирганлар шаҳарнинг барча саноат моллари магазинларида —шу жумладан ГУМ, ЦУМ, «Чилонзор» савдо маркази, Фрунзе савдо марказида ва бошқа жойларда ишлашмоқда.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАРГА 52 СЎМДАН 63 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун: ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ёки 8 синфни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика (бор бўлса — меҳнат дафтарчаси), турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см) керак.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй, «Шуҳрат» мактаб-магазини. Телефон: 76-27-66.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/IX да Севилья сартароши, 13/IX да Жизель.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/IX да Она қизим, 13/IX да Шахзода ва етим қиз.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IX да ИШҚ қурбонлари, 12/IX да Ёдинг билан, 13/IX да Ёдинг билан.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Ҳайвонот дунёси — дўстлар дунёси» аттракциони (ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист — В. Тихонов).

КИНО

11, 12, 13 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

«ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — Санъат сароийи.

«СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА АМАЛДА» — Москва.

«ВАТАНИМИЗНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ» — Узбекистон 50 йиллиги номли.

«ПАРИЖ КОММУНАСИДАН ОК. ТЯБРГАЧА». — Комсомол 30 йиллиги.

«СОЛДАТ БИЛАН ЕНМА-ЕН» — Фестиваль.

«МАНГУЛИК ҲАҚИДА АФСОНА» — Восток.

«БОШҚАРМА БОШЛИҒИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги.

«СОЛДАТ ҚАЛБИ» — Навоий номли.

«ҒАЛАТИ АЁЛ» — Санъат сароийи (кичик зал), Мир, Дружба ва Қозогистон (кичик зал).

«ПЯТНИЦКИЙ КУЧАСИДАГИ ҚОВОҚХОНА» — Санъат сароийи (кичик зал), Комсомол 30 йиллиги.

«ТАҚДИР» — Янгиобод.

«АВЛИЁ СЕРГЕЙ — Узбекистон 25 йиллиги номли.

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!» — Пионер.

«МЕНИНГ ТАҚДИРИМ» — Искра.

«ХУРЛАНГАНЛАР» — Чайка, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Қозогистон ва Дружба (биринчи зал), Нукус, Восток, Москва.

ЕЗГИ БИНОДА

«ҒАЛАТИ АЁЛ» — Фестиваль.

ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Москва, Дружба, Қозогистон, Восток, Чайка, Узбекистон 25 йиллиги номли, Нукус, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Комсомол 30 йиллиги, Ғунча, Пионер.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Таштекстильмаш» заводи қошидаги

87-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978— 79 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: токарлар, фрезерчилар, дурадгорлар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-созловчилар, газ-электр пайвандчилар, техника бўлими контролёрлари.

Ўқиш муддати— 1-3 йил.

Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 3 йил бўлган группа ўқувчиларга билим юртини тамомлагандан сўнг ўрта маълумоти тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар 3 марта иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Четдан келган ўқувчиларга ётоқхона берилади. Аълочи ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланмалар берилади.

Билим юртида ўқувчиларнинг маданий дам олишлари учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Техника ва спорт тўгараклари мунтазам ишлайди.

«Ёшлик» ўзбек халқ чолғу ансамбли ва вокал-чолғу ансамбли, рақс тўгараги доимо ўқувчилар хизматида.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, мактабдан характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка ва медицина справкаси (286-форма).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Текстильная кўчаси, 7-уй (7, 9, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбуслар, 2, 3, 18, 50, 54, 58-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати). Телефонлар: 53-95-26, 53-95-23, 53-95-21.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

11 СЕНТЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

17.30 «Олға, болажайлар!». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Қувноқ нотлар». 18.55 «Днепр узра қўшиқлар». Киевдан олиб кўрсатилади. 19.25 «УЧИНЧИ ИИЛ — ЗАРБДОР ИИЛ». Кўрсатувда КПСС Ленинград область комитетининг секретари А. С. Соколов иштирок этади. 20.10 В. Левашов. «Шимолга транзит». Телевизион спектакль. 21.30 «ВАҚТ» информацион программаси. 22.00 «Бурят ўлкаси куйлайди». Ҳужжатли фильмлар программаси. 23.50 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Кичик юлдузчалар». Фильм-концерт. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Нурафшон даврa» (рус.) 18.45 «КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!». «Трактторсозлар — механизаторларга». 19.15 «АХБОРОТ» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ернинг сахийлиги». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.50 «Шеърият билан учрашув». Э. Воҳидов. 20.30 «АХБОРОТ» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «ВАҚТ» информацион программаси. 22.00 «ПАХТАЗОР — МАРДЛАР МАЙДОНИ». 22.15 ВЛКСМ 60 ИИЛЛИГИГА. «Матонат». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Соҳилга рухсат». Бадиий фильм. 20.25 «Шифокор экрани». 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 «Тошкент» телепрограммаси. «Тошкент области чорвадорлари ҳузурида». 21.45 «Серпантин». Телевизион ҳужжатли фильм.

12 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «ВАҚТ» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 В. Левашов, «Шимолга транзит». Телевизион спектакль. 11.15 «Мусиқали ҳаёт». Телевизион журнал. 15.30 Эфиопия революцияси кунига. Кинопрограмма. 16.00 «И. Бунин. Ҳаёт ва ижод сахифалари». 17.00 Марказий телевидение ва Бутунниттифок радиоси рус халқ чолғу Академик оркестрининг концерти.

17.30 «Ёшлар адресларн». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Болаларга аталган шеърлар». 19.00 «Фан оламида». 19.30 «Жаҳон халқларининг ижоди». 20.00 «1978 йил хосили учун». 20.15 Ленин комсомолининг 60 йиллигига «Москва бўйлаб». Бадиий фильм. 21.30 «ВАҚТ» информацион программаси. 22.00 «Хусусий ажрим». Алкоголизм зарари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент). 22.20 «Оқшом тароналари». 23.15 Пианиночи Освальд Рассел чалади (Ямайка). 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 18.25 «Мастер — ташкилотчи» ва тарбиячи». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Раҳмат Файзий туғилган кунининг 60 йиллигига. Адабий кўрсатув (рус.). 20.05 Мактаб ўқувчиларининг Бутунниттифоқ XV спартакиадаси. Найза ва рапирада қиличбозлик. Ўсмирлар. «Ёшлик» спорт аренасидан кўрсатув. (11-сентябрда ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Д. Жабборова ва солист Ғ. Ёқубов ижро этади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ипатовликлар тажрибасига — кенг йўл». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.15 «Журналист» Бадиий фильм. 1-серия. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Виждон». Бадиий фильм. 20.20 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Совет ҳуқуқи ва социалистик қонунчилик» (рус.). 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 Дам олиш концерти. 21.45 «Шимолий Қрим ҳақида сўз». Телевизион ҳужжатли фильм.

Тошкент шаҳридаги 158-ҳунар-техника билим юрти томонидан **Назаров Нуриддин** номига берилган 671 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Хоразм область, Урганч шаҳар 5-мактаб томонидан **Салаев Кадир Джуманиязович** номига берилган 501560 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Узбекистон Давлат физкультура институти ректорати партия ва касаба союз ташкилотлари фалсафа ва илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси М. Эшмато вага отаси

ҚУЧҚОР ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

11 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-56-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р.— 13169. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1405.